Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 128 (3629)
7 ЧОРШАНБА
ИЮНЬ 1978 Й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ УЧ ЙИЛИ ПЛАНИ — СССР КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИГАЧА

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

«Главташпасс а в т о-трансга» қарашли 3-автобус паркининг 120 дан ортиқ ҳайдовчиси москвaликлар ташаббусига қўшилиб, СССР Конституцияси кунигача беш йилликнинг уч йили топшириқларини бажариш мажбуриятини олишган эди. Автохўжаликда ташаббусни қўллаб-қувватланганлиги учун ҳам автохўжалик коллективи ой сайин яхши кўрсаткичларга эришмоқда. Ўтган ойда корхона хизмат кўрсатаётган 22 маршрут бўйича пландан ташқари 426 минг йўловчи ташилиб, 8,5 минг сўм қўшимча даромад олинди.

Йўловчиларга юксак намунали хизмат кўрсатиш, графикка қатъий амал қилиш ва ёнилғи тежаш бўйича кўрсаткичлар мусобақанинг асосий шартлари сифатида белгиланди. Ана шу ташаббус издошларидан 23 ҳайдовчи зиммаларига олган мажбуриятларини муддатидан илгари— 1 Май байрамигача бажариб бўлишди. А. Азизхўжаев, Ғ. Фаттохов, С. Холиков, Ф. Жалолов, Ф. Афзалов ва бошқа илғор ҳайдовчилар қу кунларда келгуси йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Беш йиллик топшириқни икки йилда бажарган 76-маршрут ҳайдовчиси Зоир Юсупов эса ҳозир 1981 йил ҳисобига меҳнат қилиб, йўловчилар манзилини яқин қилмоқда. Социалистик мусобақа кенг йўлга қўйилганлиги ҳамда ватанпарварлик ташаббуслари ҳар томонлама қўллаб-қувватланганлиги учун ҳам автохўжалик коллективи ой сайин яхши кўрсаткичларга эришмоқда. Ўтган ойда корхона хизмат кўрсатаётган 22 маршрут бўйича пландан ташқари 426 минг йўловчи ташилиб, 8,5 минг сўм қўшимча даромад олинди.

Автохўжалик хизмат кўрсатаётган барча маршрутларда графикка қатъий амал қилиш ва йўловчиларга юксак намунали хизмат кўрсатиш юзасидан янги тадбирлар амалга оширилмоқда. 76, 35 ва 43-экспресс маршрутларининг коллективлари эса беш йиллигининг уч й и л и топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақаларда пешқадамлик қилишяпти-лар.



Коммунистик меҳнат зарбдори Фаёз Садриддинов Тошкентдаги «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси 1-механика цехининг илғор ишчиси. Корхонада 13 йилдан буён баракали меҳнат қилаётган бу илғор ишчи ўзининг ташаббускорлиги ва ишбилармонлиги билан нўпларга ўрнак бўлмоқда. У ўнинчи беш йиллик шахсий топшириқларини уч ярим йилда бажаришга аҳд қилган.

СУРАТДА: токарь Ф. Садриддинов.
М. Нуриддинов фотоси.

Бутуниттифоқ семинари

КЕЧА

Ўрта Осиё темир йўл и бошқармасининг мажлислар залида Бутуниттифоқ семинари ўз ишини бошлади. Мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан Тошкентга келган пропагандистлар ва лекторларнинг бу йиғилиши «КПСС XXV съезди қарорларини, совет турмуш тарзини, СССРнинг янги Конституциясини пропаганда қилишда экранли, овозли ва босмали ахборот материалларидан фойдаланиш» деган темага бағишланган.

Бутуниттифоқ «Билим» жамияти правлениеси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пропаганда ва агитация бўлими, республика «Билим» жамияти правлениеси ташкил этган бир неча кунлик бу семинарда тингловчилар қатор муҳим мавзуларда докладлар ва суҳбатлар тинглайдилар.

Семинарнинг кечаги биринчи иш кунида «КПСС Марказий Комитетининг лекция пропагандасининг аҳволи ва уни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида лекция пропагандасининг сифати ва самарадорлигини ошириш борасида «Билим» жамиятлари ташкилотларининг вазифалари, КПСС XXV съезди талаблари асосида оғзаки пропагандада экранли, овозли ва босмали ахборот материалларидан фойдаланиш, бу борада методик кабинетларнинг роли деган мавзулар бўйича докладлар бўлди.

Семинарда Москва, Минск, Душанба, Ленинград, Кишинёв, Волгоград, Тошкент шаҳарларининг олимлари ва лекторлари қатнашмоқдалар.



Муҳайё Насриддинованинг 127-ҳунар-техника билим юртини тамомлаб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қила бошлаганига икки йил бўлди. У ана шу қисқа вақт мобайнида костюм тикишдаги нўпгина операцияларни ўрганиб олди. Ҳозир Муҳайё смена нормаларини мунтазам 115—120 процент адо этяпти.

СУРАТДА: ёш тикувчи Муҳайё Насриддинова.

Р. Заграддинов фотоси.

• *Меҳнатда пешқадамлар*

КЕЛГУСИ БЕШ ЙИЛЛИК ҲИСОБИГА

Мамлакатимиз халқ хўжалиги учун кучли кўтарма механизмлар тайёрлаб бераётган шаҳримиздаги «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи ўртасида ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этиш, барча буюртмаларни ўз вақтида юқори сифат билан тайёрлаб бериш, тежамкорликни кучайтириш учун социалистик мусобақа кун сайин кенг кўлоч ёймоқда. Масалан, бирлашма бош корхонасининг 1-механика цехи илғор деталчи ишчиси коммунистик меҳнат зарбдори Меҳнат Қизил Байроқ ордени ҳамда «Шавкатли меҳнати учун» медали, «Социалистик мусобақа ғолиби» нишонларининг кавалери Дмитрий Крапилин ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этиб, ҳозир келаси беш йиллик ҳисобига унумли меҳнат қилмоқда. Ёшларнинг дўсти ва устози бўлган бу илғор ишчига Алексей Едунов, Василий Кривоногов, Ботир Қосимов, Александр Сумин, Владимир Пронишев каби зарбдор ишчилар ҳам эргашмоқдалар. Шу цехда Дмитрий Крапилиннинг укаси Михаил Крапилин ҳам баракали меҳнат қилмоқда. У ҳам ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажаришга киришган илғор ишчи. Сўзи билан иши бир машинасозлар олий мақсад — мамлакатимизга кўплаб сифатли маҳсулот етказиб бериш йўлида фидокорлик билан меҳнат қилмоқдалар.

• *Тошкент—мамлакатга*

ДЕҲҚОН САҲОВАТИ

Республика граждан авиацияси бошқармасига қарашли бўлинмаларнинг учувчилари ўзлари бошқараётган пўлат қанотли қушларда деҳқонлар етиштирган бу йилги нозу неъматларни мамлакатимизнинг узоқ шаҳарларига ташишга киришдилар.

Пойтахт аэропортидан кўтарилган «АН—12» маркали самолётлар

БУГУН

Магадан, Петропавловск-Камчатка, Норильск, Ёқутистон сингари узоқ манзилларга парвоз қилди. Самолётларнинг бортига карам, редиска, бодринг, қулупнай сингари эртаги неъматлар жойланган. Авиаторлар бундай маҳсулотлар билан Ватанимиз пойтахти Москвага ҳам бир неча марта парвоз қилишди. Мавсум бошидан буён мамлакатимизнинг узоқ районларига етказиб берилган сабзавотлар 300 тоннадан ошди.

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Новвот шарқнинг энг суюмли ширинлиги саналади. Шаҳримизда бу қандолатчилик маҳсулотини булка-кондитер комбинатининг бешинчи цехидаги О. Аҳмадохунов ва Ғ. Аҳмедов бошлиқ новвотпазлар бригадалари тайёрлашади. Ҳар икки коллектив ҳам беш йиллигининг зарбдор ўнинчи йилида ўзаро мусобақалашиб ишлаб, ҳар қачонгидан кўп ва сифатли маҳсулот тайёрлашга ҳаракат қилмоқда.

БУГУН

бу икки бригада коллективларининг йил бошидан бери ишлаб чиқариб, савдо тармоқларига жўнатган новвоти 450 тоннага етди. Бу маҳсулотнинг 50 тоннага яқини топшириққа қўшимча тайёрланди.

Ўтган йилдан новвот участкасида қиёмларни қозонга насослар ёрдамида қуйишга ўтилганлиги ишлаб чиқаришда қўл меҳнатини анча камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берди.

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ БИР КУНИ

Шаҳрим — фахрим

ЧИРОЙЛИ ҚИЁФАДА

Пойтахтимиз метрополитенининг ер ости бекатлари поездларга чиқиладиган ва улардан тушиладиган транспорт бекатларигина бўлиб қолмай, айни пайтда шаҳримиз меъморчилигидаги диққатга сазовор архитектура иншооти ҳамдир. Шу кунларда «Халқлар дўстлиги» ва «Пахтакор» станцияларида қурилаётган метрога тушиш айвончалари эса янада оригинал бўлиб у шаҳримиз ҳуснига-ҳуси қўшади. Станцияларнинг иккинчи вестибюлларига олиб кирадиган бу айвончалар ҳозир шаҳримиздаги бирон та ҳам метро станциясида йўқ.

БУГУН

Тошкент метро қурилиш трестининг 2-тунель отряди қурувчилари «Халқлар дўстлиги» станциясида иккинчи ер ости вестибюлига олиб тушадиган айвончали кириш жойини қуришга киришдилар.

Бу метрога кириш жойларининг бошқа станцияларник и д а н фарқи шундаки, у Москва метросинникига ўхшаш бўлиб ер устида қурилади. Ер устида жойлашган айлана шаклидаги метрога кириш айвончасидан тез юрар эскалатор йўловчиларни тўғри ер остида жойлашган вестибюлларга олиб тушади. Бу вестибюлларда танга майдалагич автоматлар, турникетлар ўрнатилади. Ер ости вестибюли станция платформасига олиб тушади.

Метросозлар ушбу метрога тушиш жойларини эскалаторлар билан бирга шу йил ноябрь ойида фойдаланишга топширишга аҳд қилишган.

БУТУНИТТИФОҚ КЎРИГИГА

Тошкент трактор заводининг маданият саройига Москвадан хушхабар келдк. Корхонанинг «Биз тракторсозларимиз» деган халқ агитеатри коллективи июнь ойида СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари виставкаси биносида ўтказиладиган мамлакатимиз агитеатрларни кўригига танлнф этилди.

Бундан руҳланган ҳаваскор ишчилар Москва сафарига кизғин тараддуд кўра бошладилар. Улар Москвада ўзларининг янги тайёрлаган «Бир, икки, уч, тўрт, беш» деган программасини намойиш қилишадиган бўлишди. Ҳаваскорларнинг бу кўрсатувида корхонанинг югуклари, чиллаб чиқаришнинг юксалиши, ёрим ишчиларнинг данғасалиги ҳақида гап боради.

Маълумки, бу коллектив ўзининг бир қатор чиқишлари билан кўпгина жойларда машҳур бўлган. Коллектив якиндагина бўлиб ўтган республика кўригида катнашиб биринчи ўринни эгаллаган эди.

ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош корхонасида «Раҳбарнинг меҳнати» курсини ўрганиш бўйича шаҳар мактаблари ва назарий семинарлари раҳбарларининг илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин конференцияни кириш сўзи билан очди.

Конференцияда «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Х. Алимов «Раҳбарнинг меҳнати» курсини ўрганишнинг актив методлари ва ўларни такомиллаштириш йўллари» деган темада доклад қилди.

Бундан ташқари «Миконд» заводи бош технологи А. Юсупов, «Узкожобувьпром» саноат бирлашмасининг бошлиғи А. Тўлаганов, «Средазкабель» бош директорининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари З. Насриддинхўжаев ва бошқалар ўз корхоналарида олиб борилаётган ишлар ҳақида гапириб бердилар.

Конференция қатнашчилари корхонанинг цехлари бўйлаб экскурсия ўтказдилар.

АТОҚЛИ РЕВОЛЮЦИОНЕРГА БАҒИШЛАБ

Валериан Владимирович Куйбишев. В. И. Ленининг революцион курашидаги сафдоши бўлган бу инсоннинг биографияси ва жўшқин фаолияти Совет Туркистони ҳаёти билан чамбарчас боғланган. Партия ва давлатнинг кўзга кўринган арбоби, Қизил Армиянинг чинакам қўмондони бўлган Валериан Владимирович айни пайтда Туркистонда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда олиб борилган улкан ишларга раҳнамолик қилган талантли партия ташкилотчиларидан бири эди.

Тошкентликлар, барча совет кишилари сингари В. В. Куйбишевнинг хотирасини эсга олмоқдалар. Оташин революционер туғилган кунининг 90 йиллиги муносабати билан партия ва халқнинг шонли фарзанди номи билан аталаётган йирик районлардан бирида ана шу санага бағишланган тантанали маросим ўтказилди.

Районнинг юзлаб меҳнатчилари В. В. Куйбишев ҳайкали олдига келиб унинг пойига гуллар қўйдилар. Йиғилганлар орасида партия ва меҳнат ветеранлари, Туркистон ўлкасида Совет ҳокимиятини ўрнатишда бевосита қатнашган И. Васильев, А. Исабоев, М. Юсупова, А. Иванов ва бошқалар бор эди. Уларнинг ёнида районнинг таниқли кишилари, республика Олий Советининг депутати А. Фадин, Ўзбекистон Компартияси XIX съездининг делегати М. Туропов, ВЛКСМ XVIII съезди делегати В. Зайцев ва бошқалар туришибди. Бу ерга мактаб ўқувчилари, ёш ишчи авлоди вакиллари ҳам келишган. Ҳайкал олдида ўғил ва қизлар пионерлик сафига қабул қилинди, ВЛКСМ сафларига кираётган ёшларга комсомол билетлари тантанали вазиятда топширилди.

Шундан кейин район меҳнатчилари В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида бўлиб, бу ерда Валериан Владимировичнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган виставка билан танишдилар. Суратларда Куйбишев ва Фрунзенинг Туркистон фронтида бўлиши, Куйбишевнинг Қизил Армия жангчилари митингида нутқ сўзлаётганлиги, дастлабки кўнгилли фронтчилар акс эттирилган. Маълумки В. В. Куйбишевнинг таклифига биноан Туркистон Компартияси Марказий Комитети 1919 йилда 250 коммунистни Қизил Армия қисмларида сиёсий ишларни олиб бориш учун сафарбар қилди.

Виставканинг алоҳида витринасида Валериан Владимировичнинг «Мақолалар ва нутқлар», «Ёшлар ҳақида», «Ҳаётимдан лавҳалар» деб аталган китоблари ҳам ўрин олган. В. И. Ленин имзолаган, Туркистон ишлари бўйича Комиссия аъзоси сифатида В. В. Куйбишевга берилган мандат виставкага келувчиларнинг эътиборини жалб этмоқда. Бу кўргазмани тайёрлашда музейнинг ходими С. В. Элчибекова, рассоми А. М. Колик муносиб ҳисса қўшишди.

Мўътабар даргоҳда Куйбишев район меҳнаткашларининг ана шу ажойиб санага бағишлаган тантанали йиғилиши бўлиб ўтди. Куйбишев район партия комитетининг биринчи секретари Т. Э. Эргашев йиғилишда нутқ сўзлади. Шундан кейин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти директори, республика Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Э. Ю. Юсупов В. В. Куйбишевнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида доклад қилди. 1921 йилдан буён КПСС аъзоси Ю. Б. Бобожонов унутилмас революция кунлари, хотиралари билан ўртоқлашди.

Оталар ва боболарнинг васиятларига садоқатли бўлган район меҳнатчилари ёркин келажак учун ленинчи большевиклар бошлаган курашни давом эттирмоқдалар. Район пионерлари ва комсомоллари, меҳнат коллективларининг вакиллари ўзларининг ишлари ҳақида рапорт бераториб йиғилишда ана шу ҳақда гапиодилар.

В. В. Куйбишев ўзининг қўп қиррали ва жўшқин фаолияти билан халқимизнинг хотирасида чинакам курашчи, революционер, оташин ватанпарвар ва большевик сифатида сақланиб қолади.

ДАВЛАТ АРБОБИ ХОТИРАСИ

КЕЧА

Куйбишев район партия комитети ва Ўзбекистон ССР театр жамиятининг актёрлар уйи атоқли партия ва давлат арбоби, Ўрта Осиёда Советлар ҳокимиятини ўрнатишга бебаҳо ҳисса қўшган Валериан Владимирович Куйбишев туғилган куининг 90 йиллиги муносабати билан тантанали кеча ўтказдилар.

Йиғилишга таклиф этилган ёзувчи А. Иванов, журналист А. Бочкарев, архитектор А. Белов, тарих фанлари кандидати А. Алимов оташин давлат арбобининг жўшқин фаолияти, унинг олиб борган ишлари, Туркистонда амалга оширган қатор тадбирлари ҳақида гапириб бердилар.

Ўзбекистон билан танишув


Ҳар йили мамлакатимизга жаҳондаги кўпгина давлатлардан минглаб туристлар келади. Улар сафар давомида Ўзбекистоннинг нодир архитектура ёдгорликлари, серқуёш ўлканинг бугунги жўшқин ҳаёти билан қизиқиб танишадилар.

Республикамиз олимлари турист меҳмонлар билан бўладиган учрашувларда Ўзбекистоннинг социализм йилларида эришган ютуқлари ҳақида гапириб берадилар. Бундай учрашувлар ҳар йили чет эллик туристлар учун мўлжалланган ёзги мавсумнинг марказида ўтказилади.

БУГУН

ана шу маданият марказининг дастлабки учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Р. Х. Аминова, Ленинград Давлат университети юридик факультетининг декани А. А. Аъзамхўжаев қатнашдилар. Германия Демократик Республикасидан келган меҳмонлар ўзбек олимларининг СССРнинг номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлар академиясининг мухбир аъзоси, иқтисод фанлари доктори Х. М. Жалилов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Тошкент Давлат университети юридик факультетининг декани А. А. Аъзамхўжаев қатнашдилар. Германия Демократик Республикасидан келган меҳмонлар ўзбек олимларининг СССРнинг Конституцияси, Ўзбекистон хотин-қизларининг ўтмишдаги ва ҳозирги турмуши ҳақидаги ҳикояларни тингладилар.

Чет эллардан келган туристлар билан ана шундай учрашувлар В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида, Ўзбекистон чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа боғлаш жамиятида, шаҳримиздаги бир қатор музейларда ўтказилади.



КПСС аъзолари токарь В. Силченко ва фрезерчи А. Абдурасулов экскаватор заводида меҳнат қилишади. Бу ишчилар смена топшириқларини мунтазам 118—120 процент адо этишдан ташқари, маҳсулотнинг ҳамиша аъло сифатли бўлишини таъминлашяпти.

СУРАТДА: илғор ишчилар (чапдан-ўнгга) В. Силченко ва А. Абдурасулов.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин кеча Кострома область партия комитети бюросининг аъзолари, КПСС шаҳар, район комитетларининг биринчи секретарлари билан суҳбатлашди. Суҳбат чоғида қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш, ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олишни таъминлаш, чорвачилик учун ем-хашак тайёрлаш соҳасида область меҳнаткашлари олдида турган вазифаларни ҳал этишга асосий эътибор берилди.

А. Н. Косигин «Караваево» наслчилик заводини, В. И. Ленин номли зиғир тола комбинатини, Кострома ГРЭСини бориб кўрди.

◆ Америкалик бир группа бинокор мутахассислар Ўзбекистон билан танишиб бўлди. Меҳмонлар Тошкентнинг шаҳар хўжалиги билан танишдилар, республика Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини бориб кўрдилар.

телетайп лентасидан

● **БАҒДОД.** Ироқнинг Таъмим ва Салоҳиддин вилоятларида иккита янги кооператив хўжалиги барпо этилди. Дала меҳнаткашлари 43 минг донум (1 донум 0,25 гектарга баравар) майдондаги экинларга ишлов берадилар.

Кооперативчилик ҳаракати бошланган пайтдан бери мамлакатда Ироқ фаллоҳлари орасида 1900 га яқин қишлоқ хўжалик кооперативи тузилган.

● **ДЕҲЛИ.** Ҳиндистон шаҳар ва қишлоқ уй-жой қурилиши давлат корпорацияси бешта янги лойиҳани амалга оширишга киришди. Бу лойиҳаларга мувофиқ Андхра-Прадеш Орисса, Ражастон штатларида, Деҳли ва Чандигарх иттифоқ территорияларида паст даромадли аҳоли учун 3000 та уй-жой қурила бошланди. Ҳукумат шу мақсадларга 90 миллион рупия ажратди. Аммо Ҳиндистон матбуотининг таъкидлашича, шу программанинг биргина ўзи миллион-миллион кишилар бошпанасиз бўлган Ҳиндистондаги энг ўткир социал проблемани ҳал эта олмайди.

● **ТЕҲРОН.** Теҳрон университетининг юзлаб студентлари шу ўқув юрти территориясида полициячиларнинг турганлигига қарши норозилик намойишида қатнашдилар. Намойишчиларни тарқатиб юбориш учун полициячилар катта кучлари ташландн, улар ўз ҳаракатларида нўздан ёш оқизадиган газдан фойдаландилар.

«Эттелоат» газетасининг хабар беришича, студентлар баёнот эълон қилиб, полициячиларнинг университет территориясидан чиқариб юборилишни талаб қилмоқдалар. Чунки полициячиларнинг бу ерда туриши ўқувчилар орасида нескинлик манбаи бўлмоқда.

● **ТОКИО.** Японияда «магнит ёстиғи»да югурадиган вагон синовдан ўтказилди. Эни 2 метр ва бўйи 7 метр келадиган «қанотсиз самолёт» темир йўл полотноси устида бир сантиметр баландликда соатига 300 километр тезликда учади. Уни «Жапан эирлайнз» авиакомпанияси яратган бўлиб, у янги халқаро Нарита аэропорти билан ички авиалинияларга хизмат қилишга ўтган Ханеда аэропорти ўртасида махсус линия қуришни режалаштирмоқда. Пассажирлар йўлга атиги 15 минут вақт сарфлайдилар.

● **БАЙРУТ.** Ҳозирги вақтда Ливан ҳукумати олдида иккита асосий проблема: Исроил ҳарбийларининг Жанубий Ливанни ҳали ҳам окнупация қилиб турганлиги ва ягона Ливан армиясини тузиш билан боғлиқ масалалар турибди, деди Ливан бош министри С. Хосс Байрутдаги «Ан-Наҳар» газетаси мухбири билан суҳбатда.

Бизнинг позициямиз, деди сўзини давом эттириб у, ҳамма вақт Исроил қўшинларини Ливан территориясидан дарҳол ва сўзсиз олиб кетиш тўғрисидаги масалани биринчи ўринга қўйишдан иборат бўлиб келди. Шу муносабат билан биз БМТ кучларига ўз вазифаларини бажаришн йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга интилиб келмоқдамиз, чунки Исроил оккупациясини давом эттириш учун баҳона сифатида мана шу тўсиқлардан фойдаланиш мумкин. Бу масалалар, деб уқтириб ўтди у, Фаластин озодлик ташкилоти раҳбарлари билан якинда олиб борилган музокаралар вақтида асосий мавзу бўлди.

(ТАСС).

• *Коммунистнинг шахсий намунаси*

Олдинги сафда

Ишчи касби — улуғ касб. Ҳаётимиз кун сайин фаровонлашиб, гуллаб-яшнаётган ҳуррам замонда ўзининг кўп йиллик ҳалол меҳнати билан обрў-эътибор ва бахт топаётган ишчилар кўплаб топилади.

Тошкент тажриба ремонти заводининг пешқадам йигувчи-слесари, коммунист Жўравой Қўчқоров ана шулар жумласидандир. У бу даргоҳда 18 йилдан бери меҳнат қилиб келади. Ўрта бўйли, қорачадан келган бу ишчининг юзидан ҳеч кулгу аримайди. У заводда ишбилармонлиги, меҳнатни қадрлай олиши, ташкилотчилиги ва ширинсуханлиги билан катта-ю кичик, барча ишчиларнинг ҳурматини қозонган. Қайси ишчидан сўраманг Жўравой ака ҳақида: «Ҳалол, ростгўй, меҳнатсевар, бағри кенг инсон, устоз-мураббий», деб илиқ, самимий сўзлар билан тилга олади.

Жўравой ака бутун меҳнат фаолияти давомида 10 дан зиёд шогирд тайёрлади. Козимжон Мусажонов, Тоҳиржон Комилов сингари ишчилар ўз устозлари билан бир сафда меҳнат қилишяпти. Коммунист Ж. Қўчқоров ўз ҳунарини шогирдларига ўргатишдан ҳеч эринмайди, шогирд ишида бирор камчилик сездими дарров ёрдамга келади, тўғри йўл кўрсатади. Завод партия ташкилотининг секретари Анваржон Маҳмудов биз билан суҳбатда шундай деди:

— Жўравой Қўчқоров ва Алексей Андреевич Илназаровлар заводимизнинг кўзга кўринган мураббий ишчиларидан. Улар аввало ўзларини эмас, коллективни ўйлайдилар, завод фахри учун курашадилар. Ҳалол меҳнат қилиб, она-Ватанга хизмат қилишни коммунистнинг шарафли бурчи деб биладилар.

Бир сўз билан айтганда завод ишчилари «Бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан яхшироқ ишлайлик» шиори билан самарали меҳнат қилишяпти. Биз ҳам уларга ишларида омад, улкан ғафлар тилар эканмиз, ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг «Совет кишилари шуни биладиларки, қаерда қийинчиликлар бўлса, шу ерда коммунистлар олдинги сафда бўладилар», деган сўзлари ёлға тушади.

С. МУСАЕВ.

— Биз асосан дикаларга пружиналар ясаймиз. Аввалambor, менинг шундай обрў-эътибор қозонишимга сабаб — ҳалол меҳнатим. Ёшлигимда отам «Одам ўз бахтини сиқдидил, ҳалол меҳнатдан, ўз ютуғидан магрурланмай астойдил меҳнат қилсагина топади» деган эдилар. Мен ҳам ўз бахтимни топдим, биз, оддий ишчиларга кўрсатилаётган ғамхўрлик учун партия ва ҳукуматимиздан бир умр миннатдормиз.

Жўравой ака билан бир сафда «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» шиори остида меҳнат қилаётган токарь, коммунист Алексей Андреевич Илназаров ҳам ном қозонган. У доимо кунлик нормасини икки-икки ярим ҳисса ошириб бажариб, бошқаларга намуна бўлмоқда.

Алексей Андреевич заводда беш йилдан бери ишлаб келади. У ҳар хил станокларга деталь ясайди. Ўтган йилда мусобақа ғолиби бўлган эди. Бу йил биринчи квартал шахсий планини бир ярим баравар ошириб бажарди. Шу ишларда Конституция кунигача тўрт йиллик планни бажариш учун ҳормай-толмай меҳнат қиляпти. Унинг кўксида «Шавкатли меҳнати учун» медали ва «Социалистик мусобақа ғолиби» нишони порлаб турибди.

Завод партия ташкилотининг секретари Анваржон Маҳмудов биз билан суҳбатда шундай деди:

— Жўравой Қўчқоров ва Алексей Андреевич Илназаровлар заводимизнинг кўзга кўринган мураббий ишчиларидан. Улар аввало ўзларини эмас, коллективни ўйлайдилар, завод фахри учун курашадилар. Ҳалол меҳнат қилиб, она-Ватанга хизмат қилишни коммунистнинг шарафли бурчи деб биладилар.

Бир сўз билан айтганда завод ишчилари «Бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан яхшироқ ишлайлик» шиори билан самарали меҳнат қилишяпти. Биз ҳам уларга ишларида омад, улкан ғафлар тилар эканмиз, ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг «Совет кишилари шуни биладиларки, қаерда қийинчиликлар бўлса, шу ерда коммунистлар олдинги сафда бўладилар», деган сўзлари ёлға тушади.

С. МУСАЕВ.

Микрорайонларнинг жамоат марказлари

Тошкентда энг йирик уй-жой массиви бўлган Чилонзорнинг биринчи кварталидаги биноларнинг деворларида «Агитпунктимизга марҳамат!» деган эълонлар тобора кўпаймоқда. Бу эълонлар микрорайон аҳолисини халқ университетининг КПСС XXV съезди материалларини ўрганишга бағишланган машғулотига, Леонид Ильич Брежневнинг «Кичик ер» ва «Тинчлик» асарлари ҳақидаги суҳбатга, халқаро аҳвол тўғрисидаги, Ўзбекистон иқтисодиёти ва маданиятини ривожлантириш ҳақидаги, совет қонунлари ва болаларни тарбиялаш ҳақидаги лекцияларга таклиф этади. Эълонларда ҳамиша бир адрес — 103-мактабнинг мажлислар зали кўрсатилган. Микрорайоннинг ўзига хос жамоат марказ бўлиб қолган бу мактаб, аниқроғи унинг партия ташкилоти меҳнатнашлар ўртасида истиқомат жойларида оммавий-сиёсий ишларни ўтказишни ўз зиммасига олди. Бу ишни мактаб директори К. М. Матвеева бошчилик қилаётган махсус кенгаш бошқариб турибди.

Чилонзор район партия комитетининг ходимлари уй-жой массивининг харитасига қирқ тўртта жамоат марказлари чегараларини белгилаб қўйишди. Булар — оммавий-сиёсий ишларга раҳбарлик қиладиган кенгашлар тузилган. Микрорайонларни оталиққа олган ўқув юртларининг мажлис заллари жамоат марказ ихтиёрига бериб қўйилган. Бир қанча кварталлар ва маҳаллаларда жамоатчилик ҳузурида ҳам ўқув юртлари, уй-жойлардан фойдаланиш конторалари, корхоналарнинг партия ташкилотларини ана шу жамоат марказларига амалий ёрдам бермоқда.

Чилонзор район партия комитети тажриба алмашиш учун ана шу кенгашларнинг раҳбарларини яқинда район партия комитетига таклиф қилди. Бу кенгашларнинг кўпгина раҳбарлари ўз ташаббуслари ҳақида гапириб бердилар. 162-мактаб директори З. М. Азизхонова бошчилик қилаётган кенгашнинг ишлари ҳаммани қизиқтирди. Бу ерда коллектив бўлиб кино ва театрларга борилади, дам олиш кечаларини ўтказилади, мунтазам равишда лекциялар ўқилади. Активлар ўспиринларни тайёрлашга алоҳида эътибор бермоқда. Микрорайон аҳолиси «Ташметрострой» трести ёрдами билан ўз стадионини қурмоқда, ҳалок бўлган жангчиларнинг оилаларига ва инвалидларга ёрдам бериб турадиган «Тимурчилар отряди» ишлаб турибди. 181-мактаб ҳузурида интернационал дўстлик клуби ташкил қилинган, «Меҳазор» маҳалласидаги ота-оналар лекторийси ҳаммага манзур бўлиб қолган. Бу ерда кенгаш ташаббуси билан жамоатчилик боғи барпо этилди.

(ЎзТАГ).



• *Техника тараққиёти йўлида*

СИНОВ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ


«Средазкабель» бирлашмасининг бир группа инженер-конструкторлари ўта катта чуқурликда бурғилаш ишларини олиб бориш учун мўлжалланган кабелларни ишлаб чиқариш устида катта ишларни олиб боришмоқда.

Апшерон ва Коля ярим ороли районида ер қобиғининг чегаралари ҳамда Ернинг юқори мантияси 10—15 километр чуқурликда ётади. Урал тизма тоғлари ортида эса у ҳатто уч-тўрт баравар чуқурлашади. Тажрибаларнинг биринчи босқичи муваффақиятли ўтди. Яқинда Коля ярим оролида 8,2 минг метр чуқурликда бурғилаш ишлари олиб борилди. Бу ерда тошкентлик мутахассислар тайёрлаган яхлит тўқиқиз километр узунликдаги кабель синовдан ўтди. Ҳозирда ҳамшаҳарларимиз бурғилашнинг навбатдаги босқичи — 15 километр чуқурликда бурғилаш ишларини олиб боришга мўлжалланган кабелни яратишмоқда.

Олдинги яратилганларидан фарқли бу кабель кўп профилли бўлиб, юқори қисмига бориб йўғонлашади. Сабаби, скважина чуқурлашган сари аппаратураларнинг ва кабелнинг ўз вазни ошиб боради. Юқоридаги шаклда бўлса, кабель ана шу оғирликка бардош беради. Кабелнинг узунлиги 16 километрдан ошиб кетади. Унинг яна бир хусусияти юксиқликка чидамли бўлиб, тадқиқотларнинг уч тури бўйича маълумотларни ер қаъридан етказиб бера олади.

СУРАТЛАРДА: юқорида зирҳловчи — А. И. Полянов кабелни зирҳ билан қоплаяпти; пастда — технология бюросининг бошлиғи Н. В. Козлитин ва зирҳловчи П. М. Вакланов.

И. Душкин фотолари, (ЎзТАГ).



• *Республика бўйлаб*

Реконструкция самараси

Жиззах ёғ-пишлоқ заводида ёғ чиқарадиган цех унумдорлиги икки баравар ошди. Эндиликда цех бир кунда 2,5 тонна сариёғ тайёрлаб чиқармоқда. Бу ерда ёғ тайёрлайдиган иккинчи аппарат монтаж қилинди, соатига 600 килограмм ёғ тайёрлайдиган сепарум пастеризатор ўрнатилди.

Жиззахлик ёғчилар ҳом ашё тўғрисида ҳам қайғурмоқдалар. Областдаги Арнасой ва Мирзачўл районларида очилган янги сепаратор пунктлари бир кунда 5 тоннадан сутни қайта ишлаяпти. Мана шу тадбирлар комплекси заводнинг ишлаб чиқариш қувватларини оширишга, ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини яхшилашга имкон берди.

Механик ёрдамчи

Коммунистик районидаги Свердлов номли колхозда тупроққа органик ўғит соладиган 17 та ўрнатма агрегат пахта даласига чиқарилди. Уни колхоз рационализаторлари ясаганлар.

Махсус тайёрланган рамага занжир узатмали кардан вал, экувчи роторлар ва ағдарувчи бункер монтаж қилинган. Бундай агрегат бир сменада 7—8 гектар ерни ўғитлаб, неча ўнлаб кишининг қўл меҳнати ўрнини босади. Оддий, шу билан бирга оригинал системадаги механизм ўғитни туйишга, уни ҳар гектар ерга солиш нормасини тартибга солишга имкон беради.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигида ЎзТАГ мухбирига маълум қилишларича, бундай ғўнг ташловчи механизм ҳар бир хўжалик устахонасида ясаб олиниши мумкин.

Ўрим-йиғим бошланди

Фарғона областининг ғалла майдонларида ўрим-йиғим бошланди. Фарғона районининг механизаторлари фидокорона меҳнатлари билан йиғимнинг биринчи кунлариданоқ ўрнак кўрсатмоқдалар. Бу ерда комбайнчилар меҳнати яхши уюштирилган. Ленин номли колхоз механизатори Аҳмад Каёев ҳар куни етти гектар ердаги арпани ўриб олмоқда. Бу нормадагидан анча кўп. Бу билан гектаридан қирқ центнердан сараланган дон янчмоқда.

Ленинград, Бувайда, Қува ва бошқа районлар хўжаликларининг механизаторлари ҳам бошоқли экинлар ҳосилини ўриб-йиғиб олишга киришдилар.

«Тошкент оқшоми» газетаси рейди

Бозорнинг хўжайини ким?

Шаҳримиз бозорларини доимо харидорлар билан гавжум. Тошкентликлар бу ерга кун сайин кўпайиб бораётган сархил сабзавот ва меваларни харид қилганишошишишади. Аммо бозорда ҳамон нархлар юқорипигича қолмоқда. Бу аҳвол нима билан изоҳланади!

Чайқовчи нархнавони оширмоқда

— Помидорлардан сотиб олинг! Килограммини 3 сўм, — деб таклиф қилади сотувчи.

— Кечирасиз, намунча қиммат...

— Ўзимнинг молим, қанча хоҳласам шунча сотаман.

Биз рейд давомида бундай гап-сўзларни кўп бор эшитдик. Маълумки, бозорга мевачева олиб келаётган сотувчиларнинг кўпчилиги колхозчилардир. Улар ўз меҳнати билан помидор, бодринг, картошка етиштирадилар. Аммо савдо расталарида қишлоқ хўжалик меҳнатига алоқаси бўлмаган сотувчилар ҳам жуда кўп. Худди мана шулар бозор баҳосига таъсир қилувчилардир.

Чунки чайқовчи ҳеч ерга шошилмайди: ахир уларнинг бирор жойда ишлайдиган аниқ иши ҳам йўқ-да. Чайқовчилар колхозчилардан мева-чеваларни арзон-гаровга сотиб олишади-да, кейин унга уч баробар баҳо қўйиб бемалол сотиб ўтиради.

Социалистик қонунчиликни бузаётган бундай тартиббузарларга қарши шаҳар ОБХСС ходимлари муntазам кураш олиб боришяпти. Шу йилнинг ўзида Олой, Госпиталь ва Октябрь бозорларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилувчи 40 га яқин савдогар қўлга олинди.

Улар орасида бирор фойдали меҳнат билан шуғулланмовчи, Октябрь бозорига мўмай пул топиш учун келган Чимкент областида яшовчи Ш. Мирзаев ҳам бор. У эрта тонгда колхозчилардан мева-чеваларни кўтара савдога сотиб олиб, кейин қимматига пуллайди. Мана у кейинги марта бир ярим тонна сабзини сотиб олиб, қиммат нархда сота бошлади. Аммо у энди қўлга тушди. «Хизмати»га яраша суддан чора олган Ш. Мирзаев энди ўз «фаолиятини» яхшилаб ўйлайди.

Магазин ходимлари чайқовчилик билан шуғулланаётганини кўрганда ҳайратда қолмай иложи йўқ. Аммо «Ташплодоовощ» бошқармасига қарашли Октябрь район чакана савдо идорасининг 7 магазини сотувчиси Р. Рўзиева ана шундай бўлиб чиқди. У савдо муассасаси орқали реализация қилиши керак бўлган 145 килограмм помидорни бозорга олиб чиқиб давлат баҳосидан деярли икки баробар қиммат нархда — килограммини 3 сўмдан пуллади. Милиция ходимлари уни ҳудди ана шу чайқовчилик қилаётган пайтда қўлга туширишди.

Яна бир мисол. Ҳамза район чакана савдо идорасига қарашли 21-магазин сотувчиси В. Плужникова Х. Шарипова 40 килограмм помидорнинг килограммини 2 сўм 50 тийиндан сотиб юборди. Ўз ўрнида Ш. Шарипов эса бу помидорларни Олой бозорида қиммат нархда пуллашга киришди. Аммо унга ОБХСС ходимлари режасини амалга оширгани халақит беришди. Мана шундай одамлар савдо расталарида колхозчилар билан ёнма-ён мева-чева сотиб, бозор нархларига таъсир қиляптилар. Ҳудди ана шулар нархларни ошириб юбормоқдалар. Биз юқорида айтганимиздек бундай олибсотарларга қарши милиция ходимлари кураш олиб бормоқдалар. Аммо фақатгина уларнинг кучи билан бу проблемаларни ҳал этиб бўлмайди. Бунда бозор дирекциясининг, жамоатчиликнинг ёрдами жуда зарур.

Бозор совети уйқуда

Бундан тўрт йил муқаддам шаҳар бозорларида жамоатчилик советлари тузилди. Улар бозорлардаги нархларни назорат қилиши, шунингдек нархларни камайтириш бўйича иш олиб бориши керак эди. Шуни айтиш керакки, советлар эндигина иш бошлаган пайтда ўз зиммаларига қўйилган вазифаларни яхши бажарди. Советлар составидаги депутатлар, нашчи ва хизматчилар колхозчилар билан суҳбат олиб боришиб мавжуд тартиб-қоидаларни тушунтиришди.

Шу билан бирга бу жамоатчилар олибсотар чайқовчиларни ушлаш, бозорнинг санитария аҳволини текширишга ҳам катта ёрдам беришди. Олиб борилган ишлар ўз самарасини берди. Нархлар бироз камайди. шу билан бирга сотувчилар бозорда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархини оширайтганларни жиддий назорат қиладиган кишилар пайдо бўлганлигига ишонч ҳосил қилдилар.

Аммо ҳозир жамоатчилик совети фақатгина Бешёғоч бозорида ўз вазифасини бажармоқда. Мана, редакциямизга хат йўллаган газетхон Е. Мердуҳаев хатидан парча: «Бу ерда нарх-наво сабзавот ва мевалар баҳоси бошқа бозорларникига нисбатан бирмунча арзонроқ. Бу ерда радио узелдан унумли фойдаланилмоқда. Радио орқали колхозчиларга жамоат совети томонидан белгиланган нархлар тавсия қилинади. Совет аъзоларининг ўзлари бозор ҳаётига актив аралашишади. қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархини арзонлатиш масаласи бўйича тадбирлар ўтказишади».

Олой, Октябрь, Фарҳод ва бошқа бозорларда эса жамоат советлари фақатгина қоғоздагина бор. Унинг иш натижаси эса сабзавот ва мевалар нархи юқорилигидан кўриниб турибди.

Бу масала юзасидан бозорларнинг раҳбарлари жуда пассив позицияда ишлайдилар. Улар жамоат советларини ишини қўллаб-қувватлаш ва ёрдам беришдек муҳим ишдан ўзларини четга олиб юрибдилар. Бозор раҳбарлари ўз вазифаларини фақатгина бозорда савдо қилувчилардан олинадиган тушумлар планини бажариш ва тозаликка эътибор беришдан иборат, деб ўйлайдилар. Бозорларнинг раҳбарларидан уларга бириктирилган участкаларда иш қандай бораётганлигини қаттиқ талаб қилиш пайти келмадимикан?

Бизнингча, район ижроия комитетлари бозорлардаги жамоат советлари ишини ўзининг мунтазам назоратига олиши, уларни депутатлар, ишлаб чиқариш илғорлари, коммунистлар ва комсомоллар билан мустаҳкамлашлари лозим.

Яна бир резерв

Ҳаммага маълумки давлат, кооператив ва колхоз савдоси ҳам бозордаги нарх-навога таъсир қилишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Аммо улар томонидан сотилаётган маҳсулот бозор маҳсулотларидан сифатли ва арзон бўлганидагина бозор баҳосига таъсир этиши мумкин. Бу ҳақда ўтган йили «Тошкент оқшоми» газетаси бир неча марта ёзди. Бугун шуни таъкидлаш керакки, ушбу аҳвол ҳали ҳеч яхшилангани йўқ, балки ёмонлашиб бормоқда.

Биз Олой бозоридаги колхозлар маҳсулоти сотиладиган расталарни айландик. Одатдагидек харидорлар ҳам тааажжубда. Мана, Тошкент районидаги Ўзбекистон 50 йиллиги номли колхознинг савдо расталарида майда, сифатсиз помидорлар турибди. Килограмми 3 сўм. (бозордагининг сифати бундан афзал), Килограмми 1 сўмдан сифатсиз бодринг турибди. Бозорнинг ўзида эса бундай бодринглар 50 тийин.

Орзиникидзе районидаги «Правда» колхози вакили В. А. Арушанян ҳаммадан ошиб тушади. У пештахтага сифатсиз помидорларни териб қўйиб бемалол винони қўйиб сотяпти. Бундай қилишга унинг ҳеч қандай ҳаққи-ҳуқуқи йўқ албатта. Шуниси ажабланарлики, у бу ишни қишлоқ хўжалик маҳсулотларни сотилиши керак бўлган колхоз дўконида бекинib олиб, амалга оширяпти. Маълум бўлишича, Арушанянда сотиладиган сабзавот-полиз маҳсулотлари ҳам бор экан. У эндигина пишган катта-катта помидорларни негадир пештахта остида сақлаб ўтирибди. У бу сабзавотларни кимга асраб қўйгани маълум эмас...

Колхоз дўконларида бундай тартибсизликларни тугатиш, сифатли сабзавот ва мевларни ҳозиргидан арзон бўлган баҳода сотишни таъминлашнинг вақти етди.

Кооператорлар ҳам ўзларининг савдо расталарини унутишган. Ҳеч бир бозорда колхозчилардан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олинадиган пункт йўқ.

Бир сўз билан айтганда, бозор нархларини камайтиришнинг барча резервлари ҳам қўлланилаётгани йўқ. Бу масала эса шунчалик муҳимки, уни ҳал этишни орқага суриб бўлмайди.

С. ЧИНАЕВ,
Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг фрезерчиси.

Г. ЕФИМОВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармаси ОБХСС бошлиғининг ўринбосари.

А. ХОТАМОВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

Тошкент оқшомида

Боснлгандаи кейни

«Чала қолган иш»

Анҳор каналидан ўтадиган кўприк қурилиши ҳаддан зиёд чўзилиб кетгани юқоридаги сарлавҳали материалда кўрсатилган эди.

Октябрь район ободонлаштириш бошқармасидан олинган жавобда бу масала йўлэксплуатация трести раҳбарлари олдига қўйилгани ва кўприк қурилишини тугатиш зарурлиги талаб этилган. Кўчанинг санитария ҳолатини яхшилаш юзасидан чора кўрилган.

«Лойга ботиб қолмоқдамиз»

Бу материалда Қорақамиш массивидаги 1 ва 2-уйлар оралиғида йўлка бўлмагани аҳолини қийнаб келаётгани кўрсатилган эди.

С. Раҳимов район ободонлаштириш бошқармасидан олинган жавобда бундай дейилади: бу уйлар оралиғида йўлка қуриш лойиҳа бўйича кўзда тутилмаган. Аммо аҳолининг талаби ҳисобга олинди. Бу уйлар оралиғида йўлка қуриш планлаштирилди.

АЛОҚАЧИЛАР КОНКУРСИ

Яқинда Тошкент шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармасида СССР Конституциясининг бир йиллиги шарафига бағишлаб «Уз касбининг устаси» унвонини олиш учун автозал ва кросс (линияларни автомат станциялар билан туташтиришдаги қурилмалар) ишчиларининг конкурси бўлди. Бу конкурсда шаҳримиздаги барча телефон тармоқларидан автозал ва кросс ишчилари иштирок этдилар. Конкурс иштирокчилари аппаратларни созлаш ва уларга хизмат кўрсатиш, абонентларга тез ва аниқ жавоб бериш борасида ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

Мусобақада 39-АТС автозалининг ишчиси А. Сайфуллина ва 44-АТС кроссининг ишчиси З. Бисерова биринчи ўринни, Р. Ларина, Ф. Фазулина ўртоқлар эса иккинчи ўринни эгалладилар.

Мусобақа ғолибларига қимматли совғалар топширилди.

Р. ҚУРБОНОВ, кабелчи, ҳалайловчи.

ТЕЖАМЛИ ВА ҚУЛАЙ

Одатда далага сув келтиришда ишлатилувчи темир-бетон новлар илк бор эгатга сув беришда ҳам қўлланилди. Карши чўлидаги «Пахтакор» совхозининг 16 гектар ерида шундай суғориш системаси қурилди. Бунинг учун новларда сув чиқарадиган махсус тешиклар ўйилди. Улар сув бир текисда кетадиган қилиб тешилди. Каналнинг бош қулоғи очилса бас, сув эгатларга ўзи оқаверади.

Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтида ясалган янги суғориш системасининг катта афзалликлари бор.

(ЎзТАГ).

Жаҳон оинаси

РЕСПУБЛИКА ЙИЛЛИГИ

РИМ. Италян халқи республика ташкил этилганлигининг 32 йиллигини тантанали вазиятда нишонлади. 1946 йил июнь ойида умумхалқ референдуми натижасида Италияда монархия тугатилиб, бошқарувнинг республика формаси эълон қилинган эди.

Италян халқи бу йил республика йиллигини мураккаб ички сиёсий вазиятда нишонлади. Италияда кескинлик ва зўравонлик вазиятни вужудга келтиришга, республика идораларига зарба беришга ва давлат сиёсий ўқини ўнг томонга қараб бурилишига эришишга уринаётган экстремистларнинг иғвогарлик мақсадидаги хуружлари давом этмоқда.

Италия президенти Ж. Леоне республика эълон қилинган кун муносабати билан анъанага мувофиқ қуролли кучларга қилган мурожаатида ҳозирги вақтда мамлакат республика тарихида энг мураккаб пайтлардан бирини бошдан кечираётганлигини таъкидлади. Давлат республикада бўлаётган мана шу ҳужумга қатъий зарба бериши, демократияни тобора қатъият билан ҳарактерлаши ва ҳимоя қилиши керак, деб уқтириб ўтди Ж. Леоне.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

БУЭНОС-АЙРЕС. Чили Марказий банкининг хабарига кўра, Чили режимининг чет давлатларга қарзи 5 миллиард 434 миллион долларга етди. Чили ҳарбий хунтаси бу жуда катта қарзнинг 46 процентини АҚШга тўлаши керак.

* * *

ТОКИО. Япониянинг 16 йирик шаҳрида чекишга қарши митинг ва намойишлар бўлиб ўтди. Ана шу зарарли одатга қарши кампанияни чекувчиликка қарши махсус ташкил этилган учта жамоат ташкилоти уюштирди. Намойишчилар дастлабки чоралар сифатида бутун мамлакатда жамоат жойларида, транспортда, ишчилар хонасида чекишни тақиқлаш тўғрисида қонунлар чиқаришни талаб қилдилар.

РИЁКОРЛИК ПОЗИЦИЯСИ

ВАШИНГТОН. Вашингтон Африка халқларининг ўз тақдирини ўзи белгилаш йўлидаги кураши ҳимоячисимиз, деб даъво қилса ҳам, амалда шу қитъа жанубидаги ирқчилик ва мустамлакачилик таянчларининг манфаатларини жон-жаҳди билан ҳимоя қилмоқда. Америка ҳукуматининг Жанубий Африка Республикасидаги жинояткор апартеид режими билан савдони самарали равишда тақиқлашни истамаганлиги ана шундай риёкорлик позициясининг навбатдаги далили бўлди.

Бир гуруҳ конгресс аъзолари маъмурият-нинг андишасизлигидан ғазабланиб, АҚШ экспорт-импорт банки зиммасига Американинг Претория қиладиган экспортини пул билан таъминлашни тўхтатиш мажбурияти юклатилсин, деган таклифни ўртага қўйдилар.

Конгресс аъзолари БМТнинг Жанубий Африка Республикасига қарши иқтисодий жазо чоралари тўғрисидаги резолюциясини уқтириб, ҳукуматдан бу халқаро қарорни конкрет равишда амалга оширишни талаб қилдилар.

Бироқ, ҳукумат уларнинг ташаббусига қаттиқ қаршилик қилди. Оқ уйнинг юқори мансабли вакиллари Капитолия тепалигидаги ўз тарафдорлари билан биргалашиб конгресс аъзоларига кучли таъсир ўтказдилар.


Тазйиқ кор қилди — Жанубий Африка Республикаси билан савдо қилишни тақиқлаш тўғрисида илгари киритилган таклиф ҳатто овозга ҳам қўйилмади. Бунинг ўрнига Вакиллар палатаси АҚШнинг Жанубий Африка Республикаси билан савдо-сотиқ алоқаларини янада ривожлантиришга халақит бериш йўлидаги уринишларга самарали тўсқинлик қиладиган «муросага келиш варианти»ни қабул этди.

АҚШ ҳукумати туб жой аҳолисини шафқатсизларча бостиришни режимнинг негизи қилиб олган Претория билан ўз алоқаларини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Вашингтон Африка жанубидаги ирқий можароларда қимнинг тарафини олаётганлигини яна бир бор намойиш қилди.

«МЕҲНАТКАШЛАР БАНКИ»

Венгриянинг заводлари, корхоналари, муассасаларида «меҳнаткашлар банки» деб аталадиган кассалар мавжуд. Бу кассалар кўнгиллилик асосида ташкил этилади. Уларнинг иш принципи ҳам оддий: «банк» мижози белгилайдиган миқдордаги взнос автоматик равишда унинг иш ҳақидан чегириб қолинади ва корхонада махсус фонд сифатида сақланади. Оддий банклардагидек қўйилган пулга процентлар қўшилади. Одатда йил охирида иш ҳақи билан бирга бир йилда йиғилган жамғарма унинг эгасига топширилади.

(АПН).



1958 йилда Брюсселда Жаҳон виставкаси учун қурилган «Атомиум» павильони Бельгия пойтахтининг энг диққатга сазовор жойларидан бири бўлиб қолди. Ҳар йили «Атомиум»ни юз минглаб туристлар келиб кўришади, бу хазинага анчагина даромад келтиради.

ЮПИ—ТАСС фотоси.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

А. СОДИҚОВ: Электр монтажчилик касбини эгалламоқчи эдим. Бунинг учун қайси билим юртига кириб ўқисам бўлади?

Жавоб: «Узэлектромонтаж» ихтисослаштирилган трести базасида ташкил этилган 11-техника билим юртида электр монтажчилик касбини эгаллаш мумкин. Бу ерга 8 ва 10-синфларни тугаллаганлар қабул қилинади. 10-синф маълумотига эга бўлганлар учун ўқиш муддати 7.5 ой, 8-синфни тугаллаганлар учун эса 10,5 ойдир. Билим юрти Фрунзе район, Иваново тўқимачилари кўчасида жойлашган.

* * *

Н. ТУЙЧИЕВА: «Химчистка» фабрикаси хизматидан уйда ҳам фойдаланиш мумкин экан. Бунинг учун фабрикага қандай буюртма берилади?

Жавоб: «Химчистка» фабрикасининг аҳолига хизмат кўрсатиш усулларидан бири аҳолининг уйига бориб унинг оғирини енгил қилишдир. Бунинг учун 33-56-58, 96-37-41, 44-53-15, 44-61-45 рақамли телефонлар орқали қўнғирок қилиш керак. Диспетчер буюртмани қабул қилиб олади. Белгиланган вақтда фабрика вакиллари уйингизга бориб Сиз тозалатмоқчи бўлган кийим-кечаклариии олади. Буюртмалар эрталаб соат 8 дан кеч соат 20 гача қабул қилинади. Буюртмаларни бажариб бериш муддати— бир ҳафта.

* * *

Е. ЗОКИРОВ: Пойафзаллар ремонти бўйича устахона хизматчилари аҳолининг уйига бориб уларнинг буюртмасини бажариб бераётган экан. Иложи бўлса хизматнинг ана шу усули ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Шаҳримиздаги «Илғор» ишлаб чиқариш бирлашмаси усталари уйга бориб одамлардан ремонталаб пойафзалларни қабул қилиб олишни йўлга қўйган. Бунинг учун Сиз 33-61-32 рақамли телефони орқали қўнғироқ қилишингиз керак. «Ўзбекистон» маиший хизмат уйининг диспетчери Сизнинг буюртмангизни қабул қилиб олади. Сўнг шу кунёқ уйингизга маиший хизмат кўрсатиш уйининг вакили боради. Сизнинг буюртмангиз уч кун мобайнида бажариб берилади.

* * *

Ҳ. МАВЛОНОВА: Тошкентда чинни буюмларни чегалайдиган устахоналар бор экан. Шуларнинг адресини берсангиз.

Жавоб: «Металлобитремонт» комбинатининг устахоналарида чинни буюмлари чегаланади. Бундай устахоналар шаҳримизнинг Олой, Бешёғоч, Қўйлиқ ва Октябрь районларида жойлашган.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТУЛА

ГАИ АХБОРОТИ

Кечки пайт, қиларга иш йўқ. Шунинг учун ҳам 96-мактабнинг 6-синф ўқувчиси 13 ёшли Фурқат Шораҳмедов велосипедига миниб кўчани сайр этишга чиқиб кетди. У уйидан олисга бормшга улгура олмади. Йўлга кетатуриб кўча ҳаракати қоидасини билмаган ва атрофидаги кўча ҳаракати вазиятига эътибор бермаган Фурқат Киев кўчасининг 3-линияси билан Гвардия полковниги Хўжаев кўчасининг 7-линияси чорраҳасига бориб қолди. Шу ерда И. Йўлдошев бошқариб келаётган Москвич— 412 маркали 32—41 ТНЕ номерли автомобилнинг ён томонига келиб урилди.

Балогатга етмаган велосипед ҳайдовчиси оёғи синган ҳолда Ўзбекистон травматология ва ортопедия илмий текшириш институтига келтирилди.

Болаларнинг соғлом ва бақувват, ақлий ва маънавий жиҳатдан етук бўлиб етишишларида уларнинг кундалик режимларидан бири— уйқуга алоҳида эътибор бериш муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, болалар организми ҳали тўлиқ вояга етмаганлиги, тараққиёт босқичида бўлганлиги сабабли кундалик турли таъсиротлар— хатти-ҳаракатлари, ўқиши, ўйинлари ва бошқалар таъсирида уларнинг асаб, мускул ва бошқа системалари тез чарчаб, толиқиб қолади. Организмни чарчашдан, толиқишдан сақлайдиган, унга тетиклик ва бардамлик берадиган бебаҳо шароит —бу уйқудир. Уйқунинг давом этиш муддати ҳам уларнинг ёшига қараб турлича бўлади. Масалан, 1—3 ёшли болалар 13 соат, 3—7 ёшлилар — 12 соат, 8—9 ёшлилар— 11 соат, 10 ёшлилар— 10 соат, 11—12 ёшлилар— 9,5 соат, 13—15 ёшлилар — 8,5—9 соат ҳамда 17—19 ёшдагилар 8 соат ухлашлари лозим. Мана шу ухлаш муддатлари тўлиқ бажарилсагина, организмнинг эртанги кун учун етарли куч-қувват йиғиш, чарчаган асаб системасининг иш қобилияти тўлиқ тикланиши, кундалик иш фаолиятининг сифатли ва самарадор бўлишига, ёшлар организмининг ўсиши ва ривожланиши учун тўлиқ имконият яратилади.

Болалар уйқусини тўғри ташкил этмаслик уларнинг психик ўсишини сусайтиради, билимларни ўзлаштириши ҳам ёмонлашади. Билимларни идрок қилиши, хотираси, ҳаёли, тафаккур қилиши, нутқи, диққат доирасининг кенгайши, иродасининг камол топиши, қизиқиши кабиларнинг муваффақиятли ривожланишига, барча ақлий процессларнинг ўсишига сезиларли даражада ёмон таъсир этади. Бундай ҳолат рўй бермаслигини таъминлаш ниҳоятда зарур.

Психологияда маълумки, киши ақлий қобилиятининг камол топишининг ярми бола туғилгандан то 4 ёшлик давригача тўғри келса, 4 ёшдан то 8 ёшгача ақлий қобилияти ривож топишининг 30 процентга яқини, қолган қисми — 20 проценти эса 8 ёш билан 17 ёш оралиғида тўғри келади. Мана, кўриниб турибдики, болалар асаб системасининг тўлиқ дам олишини, уларнинг уйқуси тўла ва етарлича қаттиқ бўлишини таъминлаш уларнинг ақлий ва жисмоний камол топишининг зарурий шартидир.

Афсуски, баъзан болаларнинг уйқу режими бузилишига кўп кўрона йўл қўйилади. Бу албатта, баъзи оилаларда болалар кундалик режимига эътибор бермасликнинг оқибатидир. Шунингдек, болалар ухлаши, ўз ўрнига ётиши лозим бўлган вақтларида уларнинг тўй ва турли маросимларда иштирок этишига, яна турли телевизион эшиттиришларни қоқ ярим кечагача томоша қилишларига йўл қўйилиши ҳам яхши эмас.

Маълумки, турли касалликлардан эндигина турган, тез толиқиб қолувчи ҳамда 7 — 8 ёшли болаларнинг тушки овқатдан кейин кундузги бир-бир ярим соатли уйқуси ҳам улар организмининг яхши дам олишига ёрдам беради.

Болаларнинг уйқусини тўғри ташкил этиш ҳар бир ота-онанинг диққат-эътиборида бўлмоғи, болаларни ҳар куни маълум вақтда ётишга одатлантирмоқликлари лозим. Уйқу хонаси шамоллатилган, ҳар турли шовқинлардан ҳоли қилинмоғи керак. Болалар уйқудан олдин енгил ўйинлар билан шуғулланишлари, очиқ ҳавода 20—30 минут сайр қилишлари керак.

Кечки овқат енгил бўлиши ва уйқудан бир ярим-икки соат олдин ейилиши керак. Уйқудан олдин овқат жуда кўп истеъмол қилинмаслиги, шунингдек, кўп суюқлик, асаб системаси қўзғалувчанлигини оширишга сабаб бўладиган ичимликлар кўп ичилмаслиги керак. Боланинг ўрни эса, ҳаддан ташқари юмшоқ бўлмаслиги, каравот тўри ётганда чўзилиб кетмаслиги лозим, буларга эътибор берилмаса, болалар уйқуда бетоқат бўлади, алаҳсирайди, йиғлайди, қўрқади. Бундан ташқари, болаларда асабийлик, тажанглик, паришонхотирлик, ҳорғинлик ва диққат тарқоқлик каби ҳолатлар юзага келади. Айниқса, болаларнинг ўқиш фаолияти пасайиб кетади, дарсда уйқу босиб, бўшашиб, диққатсиз ҳолатда ўтирады. Организм эса турли юқумли касалликларга берилувчан бўлиб қолади.

Хулоса қилиб айтганда, ота-оналар, тарбиячилар болаларнинг уйқусини тўғри ташкил этишга алоҳида аҳамият беришлари керак. Шундагина уларнинг сиҳат-саломатликларини яна да яхшилаган, бардам ва жисмоний чиниқиб ўсишларига ёрдам берган бўламиз.

Қ. ҚОДИРОВ,

Ф. Энгельс номли Давлат чет тиллар педагогика институтининг катта ўқитувчиси, биология фанлари кандндати.

Яхши уйқу— жон роҳати



Тошкент давлат медицина институтининг хирурглари даволаш практикасида республика травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот институти олимлар коллективи ишлаб чиққан суяк тўқималарини кўчириб ўтказиш методини кенг қўллаб, ривожлантириб боришяпти. Янги усулни практикага жорий этишда медицина фанлари доктори, Тошкент давлат медицина институтининг профессори Е. В. Лузина катта иш олиб борди.

СУРАТДА: медицина фанлари доктори, профессор Е. В. Лузина студентларга лекция ўқимоқда. Г. Пун фотоси. (ЎзТАГ).

● *Билиб қўйган яхши*

Папирос тутуни зарарлими?

Ҳурматли редакция! Баъзилар ишхонада, уйда папирос чекиб, хонани тутун қилиб юборишади. Улар билан бир хонада ўтирадиган чекмайдиган кишиларга папирос тутуни зарар қиладими, йўқми?

Ш. Тоҳирова, К. Зарифова, Х. Турсунов, А. Нодиров студентлар.

Уйда ёки ишхонада кашанда киши папирос чекканда, хона папироснинг кўкимтир тутунига тўлади. Папирос тутуни фақат чекувчиларгагина эмас, улар билан бир хонада ўтирадиган ҳамма одамларга ҳам зарарлидир. Олимлар папирос тутунини текшириб кўришганда, унинг таркибида 6 миллиграмм никотин, аммиак ва бошқа органик бирикмалар 80— 90 миллилитр карбон оксиди (ис гази), жуда ўткир заҳарли моддалардан синил кислотаси, ракка сабаб бўлувчи моддалар, жумладан 3,4-бензпирен мавжудлиги аниқланган.

Чекувчилар билан бир хонада ўтирувчилар, кўпинча бошлари оғриши, айланиши, қўнгил айниши, юраги-нинг тез-тез уришидан шикоят қиладилар. Бу— папирос тутунидан заҳарланишнинг дастлабки аломатидир. Чекмайдиган кишиларда пайдо бўладиган бундай аломатлар бора-бора кучаяди.

Шуни унутмаслик керакки, гўдаклар ва мактаб ёшидаги болалар учун тамаки тутуни айниқса хавфлидир. Тамаки тутуни мунтазам таъсир этса, болалар организмининг ҳимоя қуввати сусаяди ва нормал ривожланишига таъсир этади.

Хулоса шуки, яшайдиган ва ишлайдиган хоналаримизнинг ҳавоси доим тоза бўлсин, чекувчилар буни унутмасликлари керак.

● ШИФОБАХШ ЎСИМЛИКЛАР

ХОСИЯТЛИ КАРФАС

Беғуборлик ва беорлик бобида карфасга рақобат эта оладиган шифо ато этувчи ўсимлик боғчамизда учрамаса керак. Карфас совуқ тажаввузига бардошли, шўрхок ерингизни бемалол маскан қила оладиган икки йиллик ўсимлик. Карфаснинг табобатдаги хосияти қадим замонлардан бери маълум. Азалдан уни халқ тиббиётида асабликда тинчлантирувчи омил сифатида истеъмол этилиб келинган. Усимликнинг бу хусусиятидан Ўрта Ер денгизи халқлари, Эфиопия, Жазоир, швецияликлар баҳрамандлар.

Карфаснинг табиатда уч хилини учратамиз; барг маҳсулотли, банд маҳсулотли ва илдиз-мева маҳсулотли хиллари муолажа ва ошкўк сифатида тановул этилади.

Аниқ маълумотларга қараганда, карфас таркибида карбонсувлар, танаманзур оқсил, минерал элементлардан калий, кальций, магний, фосфор ва темирни сақлаш билан бирга, у ўрта сервитаминли неъматдир. Жумладан, карфас витаминлардан (ҳатто ётбахш азотли бирикма), B_1, B_2, PP, C (6 миллиграмм) ва провитамин А сақлайди. Усимликнинг ўзгача хуш ҳиди унда мавжуд бўлган эфир мойи билан боғлиқ.

Тиббиётда карфас маҳсулотларини молда алмашуви бузилиши билан боғлиқ бўлган беморларга тавсия қилинади. Чунки ноқомад, семиз кишилар карфасдан тамаддик этсалар, ўзларини жуда тўқ ҳис этадилар. Карфас ўта кам калорияли дир, 100 грамм ўт 20 калорий беради. Карфаснинг бод, артрит хасталигида ижобий натижалари бор. Ўсимлик маҳсулоти ўтдаги тош касаллигида ижобий натижалари бор. Ўсимлик маҳсулоти ўтдаги бод касаллигида парҳез таомлар қаторига қўшадилар. Карфаснинг яна бир хосияти ички секреция безларининг фаолиятини уйғунлаштириш билан боғлиқ.

М. НАБИЕВ, доришунос.

СЎРАГАН ЭКАНСИЗ...

ГАЗЕТХОН САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ

Н. АЗИМЖОНОВА: Болаларда учрайдиган юқори нафас йўлларининг яллиғланиш касаллиги ҳақида, бу касалликни даволаш йўллари тўғрисида маълумот берилса айни муддао бўлур эди.

Жавоб: Юқори нафас йўлларининг катари (яллиғланиши) билан гриппнинг ташқи белгилари бир-бирига ўхшайди. Бу касалликлар болаларни кўпинча зинҳлаштириб қўяди. Катар организмнинг совуши ёки микроблар таъсири натижасида авж олади. Касаллик тумов, акса уриш, йўталиш, хириллаш, бош оғриги, иситмалашдан бошланади. Бола жуда ижиқ бўлиб қолади, кўпинча қусади, талваса тутиши, ич кетиши ҳам мумкин.

Юқори нафас йўлларининг катари билан оғриган болаларни ётқизиб қўйиш, уларни енгил-елпи овқатлар билан овқатлантириш, тез-тез чой ичириб туриш керак. Гўдак болаларга эса кўкракдан соғиб олинган сут қошиқлаб ичирилиши лозим.

Хўш, бу касалнинг олдини олиш учун нима қилиш керак? Буни аввало организмни чиниқтиришнинг жуда катта аҳамияти бор.

Беморларга болаларни яқин йўлатмаслик, уларни тўй-томошаларга камроқ олиб юриш керак. Бемор ётган уйнинг поли ва ундаги мебелни хлорли оҳакнинг суюқ эритмасига латта ҳўллаб артиш, идиш-товоқни қайноқ сувга чайиш, беморнинг кийим-кечаги, сочиғи ва идиш-товоғини алоҳида ювиш зарур. Уйни тез-тез шамоллатиб туриш зарур.

Бемор йўталганда, акса урганда ва сўзлаганда атрофга юқумли сўлак томчилари сачрайди. шу томчилар теварак-атрофдаги кишиларга тегмаслиги учун беморнинг каравотини чойшаб ёки ширма билан тўсиб қўйиш керак.

Бордию, эмизикли она касал бўлиб қолса, тўрт қават докадан ниқоб тикиб, оғиз-бурунга тутиши. қўлларини яхшилаб совунлаб ювгандан кейингина болани қўлига олиши лозим.

* * *

Р. НЕЪМАТОВ: Глюкозанинг инсон саломатлигини мустаҳкамлашдаги аҳамияти, унинг организмга кўрсатадиган ижобий таъсири ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Глюкоза — узум шакари— табиатда кўп учрайдиган углевод. гексозаларга, яъни углевод атомлари 6 та бўлган моносахаридларга киради. Глюкоза рангсиз кристалл модда бўлиб, сувда яхши эрийди, оптик актив, қутбланган нурни ўнгга буради. Вируслардан тортиб юксак ўсимликлар ва умуртқали ҳайвонлар (жумладан одам)-гача барча тирик организмларнинг зарур таркибий қисмидир. Кўпгина организмлар учун глюкоза бирдан бир энергия манбаи. У барча организмдаги аксари синтез ва парчаланиш реакцияларида қатнашади. Саноатда крахмални гидролизлаб олинади. Ундан қандолатчиликда, медицинада фойдаланилади.

Глюкоза венага юборилганда жигарнинг токсинни зарарсизлантириш хусусиятини оширади, қон босими кўтарилади, моддалар алмашинуви тезлашади, юрак фаолияти яхшиланади, қоннинг осмотик босими ошади, натижада тўқималардан қонга ўтадиган суюқлик кўпаяди. Инфекцион касалликлар. жигар касалликларида, юрак фаолияти сусайганда, стенокардияда, наркотиклар. симоб. мишьякдан заҳарланишда ва бошқа ҳолларда қўлланилади. Кўпинча порошок ва таблеткалари аскорбат кислота билан бирга ичирилади. эритмаси венага тери остига юборилади.

Хонанданинг ажойиб муваффақияти

Ўзбек вокалчилари анчадан буён бундай муваффақиятга эришмаган эдилар. Тошкентлик ёш хонанда Мансур Тошматов «Қўшиқ билан гўзалдир ҳаёт» деган иккинчи Бутуниттифоқ телевизион конкурсида бир йўла кўпгина фахрли совринларни қўлга киритди. 2 июнь куни кечқурун «Зангори экран» қаршисида ўтирган миллион-миллион телетомошабинлар қишини тўлқинлантирувчи ана шу воқеанинг гувоҳи бўлдилар. Улар томошабинлар билан баобрў жюри аъзолари Мансурни қандай олқишлаб, табриклаганини кўрдилар. Тошматов конкурсда иккинчи ўринни эгаллаб, лауреат унвони билан бирга СССР Маданият министрлигининг махсус совриннни, грампластинкага ёзувчи «Мелодия» фирмасининг совриниии қўлга киритди ва бунинг устига томошабинларнинг олий мукофотига сазовор бўлди.

Тошкентлик ёш композитор Евгений Ширяев ҳам бу муносиб муваффақиятга шерик бўлди. У яратган «Березён» («Оқ қайинлар») қўшиғини талантли артист маҳорат билан ижро этди.

Тошкентликлар комсомол Мансур Тошматовнинг таланти билан яқиндагина танишган эдилар. Биринчи марта у ҳаваскор эстрада коллективда бўлган чоғида ўзига эътиборни жалб қилган эди. У Тошкент театр рассомлик институтининг биринчи курсида ўқиб юрган вақтидаёқ ана шу коллективга аъзо бўлган эди. Шундан кейин Мансур институтда шуғулланиш билан бир вақтда «Навоо» вокал-чолғу ансамблида ишлади. Бу ансамбль совет қўшиқларини энг яхши ижро этиш учун ўтказилган ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ конкурсининг лауреати бўлди.

Телевизион конкурс якунлари чиқарилгандан кейин Ўзбекистон информация агентлигининг мухбири Мансур Тошматов билан суҳбатлашди.

— Ўз ўртоқларимнинг ишончини оқлаганлигимдан ва жуда қийин телевизион конкурсда жонажон Ўзбекистоннинг яхши вакили бўлаётганлигимдан бахтиёрман,— деди у.

— Бу ғалаба менинг ўзимгагина тегишли эмас деб ўйлайман. Маҳорат сирларини эгаллашда ёрдам берётган тошкентлик кўпгина санъат арбобларн бу ғалабага даҳлдордирлар. Бу ғалаба менинг москвалик дўстларимга, жумладан менга репертуарни танлашда, ижодий ўсишимда катта ёрдам берган композиторлардан Ян Франкель, Владимир Шаинский, Давид Тухманов, Алексей Артемьевга ҳам тааллуқлидир.

— Келгусидаги режаларингиз қандай?

— Режаларим жуда катта. Тез орада Болгарияда ўтказиладиган жаҳонга машҳур «Олтин орфей» конкурсида совет санъатининг вакили сифатида қатнашаман. Сўнгра Гаванадаги фестивалда иштирок этаман. Ана шу синовлардан ҳам муваффақиятли ўтишга ҳаракат қиламан.

Мансур Тошматов ёрқин талантининг кўпдан-кўп мухлислари унга янгидан-янги муваффақиятлар тилайдилар.

КИТОБ МАГАЗИНИ

Фарғонадаги ВЛКСМ 50 йиллиги номли азотли ўғитлар заводида халқ китоб магазини очилди. Бу —область марказидаги еттинчи магазиндир. Дастлаб магазинни электромонтер Ольга Калиниченко бошқарди. Кўпгина китобсеварлар ёрдамида Ольга китобларни бевосита корхона цехларида сотадиган бўлди.

Китоб савдоси ходимлари ва китобсеварлар жамиятининг ташаббуси билан эндиликда Фарғонадаги химиявий тола заводида ҳамда шаҳардаги бошқа саноат корхоналарида халқ китоб магазинларини очишга тайёргарлик кўрилмоқда.

(ЎзТАГ).

Самарқанд— театрлар шаҳри

Самарқандда республикада биринчи Ўзбекистон театр жамиятининг область бўлими ташкил қилинди. Бу шаҳарда учта катта театр ишлаб турибди. Областда жами ўн иккита профессионал ва халқ театри бор.

(ЎзТАГ).

Владимир ЧВАНОВ

ҲАЁТ ЙЎЛЛАРИ

У ҳўмрайиб, менга узоқ қараб турди, нимадир айтмоқчи бўлди, кейин бирдан йиғлаб юборди-да, айтиб бера бошлади.

Ҳаммаси худди мен тахмин қилгандай бўлиб чиқди.

Падаровнинг отаси ўғлим дипломли бўлиши керак, деб ҳисобларда. Қанақа диплом бўлишининг аҳамияти йўқ. Инженерникими, врачникими, иқтисодчиникими, барибир... Муҳими— диплом бўлса бас. «Бизнинг замонда олий маълумотинг бўлмаса яшаб бўлмайди!»— деб уқтирарди ота.

Гиви Падаров мактабни тугатгандан кейин отаси уни Москвага олиб келди.

Июль ойининг жазирама кунлари. Отаси ўзини ёрдами тегади, деб ўйлаган таниш—билишларининг уйига борди, бирмз— бир қўнғироқ қилиб чиқди.

Гиви авиация институтига ҳужжатларини топширганини, лекин конкурс катта, имтиҳонлар оғир бўлгани учун ўтолмай уйига қайтиб кетишга тўғри келади, деб ўйлаганини айтиб берди.

Шунда ҳамшаҳарлеридан кимдир Гивига бошқа институтнинг кечки бўлими секретари билан гаплашиб кўришни маслаҳат қилибди, албатта бир оз чиқими бор (бусиз иш битармиди), ҳамаси жойида бўлади— қўяди, депти. «Гаплашганларингда, бизни юборди деб айтинг», — деб ўргатишипти дўстлари.

* * *

Дипломатик музокарани отаси ўз бўйнига олди. У кечки бўлим секретари, ўрта ёшлардаги камтарин, камсуқум бир аёлнинг олдига борди, гўё институт программаси хусусида маслаҳатлашган бўлди, шуниси қизиқарлики, улар жуда тез тил топишди.

Отаси ўғлининг келажаги тўғрисида ташвишланар, секретарь аёл эса бу ташвишларга ҳамдардлик билдиргандек бўлди.

Аёл бунинг йўли бор, ҳамма иш худди хамирдан қил суғургандай осонгина битиши мумкин, деб шама қилди. Суҳбат охирида Падаров амалий ишга ўтиб, чўнтагига қўл соларкан сўради:

— Қанча керак?

— Сиз ҳаммасини ўзи оларкан деб ўйламанг...

— Сиз, бекамсиз, мен сизга ишонаман.

— Албатта, мен ҳаракат қиламан. Лекин, билиб қўйинг, бу берганингиз ҳамир учидан патир. Узил-кесил ҳисоб-китобни, ўғлингиз имтиҳонларни топшириб бўлганидан кейингина қиламиз.

Адабиётдан бўладиган имтиҳон олдидан Гиви иншо темасини, институт штампи босилган варақини ва иншо текстини олди. У иншони тоза қилиб кўчириб олиши ва уни ўзи билан аудиторияга олиб келиб, кўнғироқ чалингандан кейингина топшириши ва ҳеч ҳам шошилмаслиги уқдирилган эди.

Ҳар имтиҳондан олдин секретарь Гивига ўқитувчининг фамилиясини айтар ва у фақат шу муаллимга бориши лозим эди.

— Энг муҳими, Гиви, сен жим турмагин. Тинмай гапиравергин, ахир сен оз-моз биласан-ку...

Гаспарянниинг иши осонроқ бўлди. Унинг олтин медали бўлиб, у имтиҳон топширмади ҳам. Фақат суҳбатдан ўтди.

Бир қарашда шубҳа туғдирмасди. Лекин кейинроқ медаль униси эмаслиги маълум бўлди. Синглисиники экан. Синглиси аълочи бўлиб, Гаспарянниинг ота-онаси қиз бола институтга кириб ўқиши шарт эмас, агар хоҳласа, ўз қобилияти билан имтиҳонларни топшира олади, деб хулоса қилишди.

Жонкуяр ота-она тезда медаль ва аттестат масаласини ҳал қилишиб, ўғилларини Москвага жўнатишди.

Кутилмаганда уч берган ишни синчиклаб ўрганиб, институтда бир группа порахўр ўқитувчилар иш олиб борганини аниқладик.

Ўз ҳаётини алдамчиликдан бошлаганларга нима ҳам дейиш мумкин, ахир мехрибон ота-она яхши кўрган боласига бу йўлни раво кўрмаслиги лозим эди.

Ўғлининг дипломли мутахассис бўлганини кўриш яхши албатта, лекин дипломни деб, бир ёшнинг умрини майиб қилиш жуда қимматга тушмасмикан? Ахир ёш йигитга институтдан бошқа йўл йўқмикан? Наҳотки, шу дипломни деб ўз виждонини сотишса? Уялмай-нетмай. Менимча, бу— ҳаёсизлик-ку!

Гиви Падаров ҳаётининг бу ёғи қандай бўларкин? У аллақачоноқ енгил-елпи ўлжаларга ўрганиб, ҳаромтовоқ бўлиб қолган, «пул бўлса чангалда шўрва» ундириб юрган, ҳаётда мослашиб кета билиш керак деган хулосага келган эди. Қизиқ, бу кўнгилсиз воқеалар унга сабоқ бўлармикан, ёки бир умр кутилмаган кўнгилсизлик бўлиб энгига бошланган ширин умрига наштар урган аянчли тасодиф бўлиб қолармикан?

Гаспарянниинг «аълоға билувчи синглиси адабиёт қаҳрамонлари маънавий ахлоқий тажрибасини ўз оиласидаги қарама-қарши маънавий тубанлик билан солиштириб кўрса, нима деган одам бўларкин?

Афсуски, шуни эътироф этиш керакки, кўпчилик ота-оналар, ўз болаларини мустақил қилиб тарбиялаш, ҳаёт йўлини танлашни уларнинг ўзига қўйиб бериш, уларда масъулият ҳиссини уйғотиш ўрнига шу масъулият ҳиссини сўндириш учун қўлларидан келган ҳамма ишни қиладилар.

Ота-оналар меҳри-муҳаббати— муқаддас тўйғу, буни ҳеч ким инкор этолмайди. Лекин, афсуски, беҳад севиш, кўр-кўрона муҳаббат туйғуси кўпинча манфаатпарастлик, ёлғончилик, сотқинлик ва шафқатсизлик каби иллатларнинг рўёбга чиқишига сабаб бўлади.

Кўр-кўрона муҳаббат — локайдлик ва худбинликнинг кўринишларидан биридир. Кўр-кўрона севилган фарзанд ота-она учун бамисоли бир кўғирчоққа айланади. Кўғирчоқ ҳам эътиборни, вақт ажратиб шуғулланишни, ҳамхўрликни талаб қилади-ю, лекин бари-бир кўғирчоқ-да. Ҳолбуки, болани инсон қилиб тарбиялай билиш лозим. Инсон эса кўр-кўрона эмас, ҳақиқий меҳр-муҳаббатга лойиқдир.

КЎПЧИЛИК ИМЗО ЧЕККАН ХАТЛАР

Анча йиллардан бери кўришмаган, якин ўртада учрашмаган, йўл устида дуч келиб қолгудек бўлса ҳам қуруқ салом-алик қилиб ўтадиган, ҳар бири ўз олдига йўлини топиб кетган ўртоқларим кўққисдан хат ёзиб қолади ё бўлмаса телефон қилиб қолади. Эрталабки почтада келган нотаниш мактубни очиб: «Салом Володя, дўстинг Андрюшаман...»дея бошланган сўзларни ўқиб, бу ким бўлдийкин? — дея бошим қотади. Кейин билсам ҳақиқатан ҳам ўттиз йил бурун бирга ўқиган, аммо бошқа сира ҳам кўришмаган ўша Андрюшанинг бошига кулфат тушибди.

Бирор фалокат бўлса, бизга ёзишади, бу табиийдир. Бизнинг ишимиз ҳам шу-да. Ҳаммаси равшан, тушунарли, фақат бир нарсага ҳайронмиз, нега энди тупса-тузук, ҳалол ва ҳурматли одамлар бизга ўз номларидан, коллективнинг ўз номидан хат ёзишиб, кўпинча ўзлари яхши билишмаган одамни ҳимоя қилиб, раҳм-шафқат сўрашади. Улар, гўё одил суд кўрмай, пайқамай қолган ҳолатларни рўкач қилиб, ўша одамга шафқатли бўлишимизни илтимос қилишади. Маълумки, бундай хатларнинг кўпчилиги айбдор одамнинг раҳмдил қариндош-уруғлари томонидан ёзилади. Кейин улар бу хатни олиб таниш-билишларинникига боришади, ўшанда ҳам ҳаммасиникига боришмайди, балки ёрдами тегадиган, обрўси зўр танишиникига боришади ва хатга кўл қўйдириб олишга ҳаракат қилишади.

Таниш лар аввалига кўнишмайди, биттаси иккиланади, бошқаси қайсарлик қилиб туриб олади, лекин ахийри қўл қўйиб беришади. Оқибатини мутлақо ўйлашмайди. Оқибати эса асло кутилмаганча бўлиб чиқади.

* * *

Юрий Белецкий озиқ-овқат магазинининг кассирини талашда иштирок этгани учун саккиз йил озодликдан маҳрум этилган эди.

У жазо муддатини режими қаттиқ колонияда ўтказди.

У қамокда биринчи кундан бошлаб ҳамманинг назоратига тушди, ўзини яхши томондан кўрсатди, ҳатто колония газетасида «Тузала бошлаган одамлар ҳақида ҳикоялар» рубрикаси остида унга бағишланган мақола ҳам босилиб чиқди, ўша мақола қўйида тўла келтириладн.

«Юрий Белецкий.

Юрий Белецкийнинг, болалиги тинч, осойишта ўтди. У ўзига тўқ оиланинг, яхши ота-онанинг севимли фарзанди эди. Онаси билан отаси ўғилларидан жонларини ҳам аяшмади. уни еру-кўка ишонишмасди. Юрочканинг соғлом, тетик ўсиши учун кўлларидан келган ҳамма ишни қилишарди. Улар Юранинг оғзидан чиққанини муқаддас кишпиришарди. Юра эса узоқ вақтгача «йўқ» деган нарсани билмай, ўсди; айтгани айтган, дегани деган эди.

...Йиллар ўтаверди. Бола мактабга борди, яхши ўқиди, бошланғич ва етти йиллик мактабни тугатди, кейинчалик ўн йилликни ҳам тамомлади, етуклик аттестатини ҳам олди. Ота-онаси ўғлининг ютукларидан хурсанд бўлишар, фахрланишар, лекин ҳамон уни ёш бола деб билишарди.

Юра эса ўзини аллақачон бола ҳисобламай қўйганди. У аллақачон болалик ёшидан ўтганди. Ота-онаси давраси энди унга торлик қилиб колди, у бошқача ҳаётга интилди.

— Ўнинчи синфни тугатганимдан кейин, — деб эслайди Юрий, — шимолий кенгликларни забт этаётганлар сафида бўлиш фикри хаёлимдан кетмай қолди. Бу орзу мени етаклади, ўзимга жалб этди, эзгу мақсадим бўлиб қолди.

Мана энди хаёлпараст йигитчанинг ўз мақсади сари дадил бораётганини кўрамиз: у қутбчилар тайёрлайдиган мактаб курсанти. Унинг ҳамма ишлари кўнгилдагидай кетяпти, ўқиши ҳам яхши, сира қийналаётгани йўқ, бўш вақти кўп бўлади.

— Бир кун шаҳарда айланиб юриб, — деб ҳикоя қилади. Юрий, ўзининг аввалги ҳаёти тўғрисида, — икки киши шини учратиб қолдим, биз кўришдик, исмларимизни айтдик, суҳбатимиз қизиб кетди. Янги таништларим анча шўх, дилкаш йигитлар экан. Улар менга хуш келди, биз тез-тез учрашадиган бўлдик. Борабора ресторанда улфатчилик қиладиган, кўпроқ ичадиган бўлдик. Хуллас, бу ошналарим ўзимга ишонгандай ишонадиган бўлиб қолдим, ҳадемай босар — тусармиш билмай қолдим.

(Давоми бор).



Куйбишев район ошхоналар трестининг фабрикасида нозу-неъматлар тайёрланмоқда.

СУРАТДА: (чапдан-ўнгга) Игорь Сдобников, Любовь Кутрина ва Гулнора Камолбекова маҳсулотларни кўздан кечирмоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

Редактор ўринбосари С. Б. ЁҚУБОВ.

3 бет. Тошкент оқшоми

7 ИЮНЬ, 1976 й.

САВДО ХОДИМИ БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?

«ГУЛЧЕҲРА» МАКТАБ-МАГАЗИНГА ЎҚИШГА КЕЛИНГ.



Ҳозирги замонда сотувчилик касби ўта замонавий, у кишидан фақат амалий кўникмаларгина эмас, балки катта назарий тайёргарликларни ҳам талаб этади.

«Гулчеҳра» мактаб-магазинида тажрибали педагоглар Сизларга савдо эстетикаси, совет ва меҳнат ҳуқуқи асослари, савдо ҳисоб-китоби, савдо хизмати, психология, санитария-гигиена бўйича лекциялар ўқийдилар.

Тажрибали устозлар раҳбарлигида ўқувчилар зарур меҳнат кўникмаларини ҳосил қиладилар.

6 ойлик ўқиш даврида Сиз кичик сотувчи ихтисосини эгаллаб чиқасиз ва Ленин райпишчеторгига қарашли озиқ-овқат магазинларида ишлаш ҳуқуқини қўлга киритасиз.

«Гулчеҳра» мактаб-магазинига 16 дан 25 ёшгача бўлган, 8 — 10 синф ҳажмида маълумотли қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Улар Тошкентда доимий пропискада бўлишлари шарт. Ўқувчиларга ойига 65 сўм стипендия тўлаб борилади.

МАКТАБ-МАГАЗИНДАГИ ЎҚИШ ДАВРИ УМУМИЙ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Мактаб-магазинга кириш учун қуйидагиларнинг бўлиши лозим: ўрта маълумот ҳақида аттестат ёки 8-синфни битирганлиги ҳақида гувоҳнома, паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, мактаб ёки охирги иш жойидан характеристика, агарда бўлса, меҳнат дафтарчаси, яшаш жойидан справка, 2 та фотосурат (6x9 см ҳажмида).

Арза торг директори номига берилади.

Ўқишга кириш масалалари юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳар, Привокзальная кўчаси, 32-уй, Ленин райпишчеторгининг кадрлар бўлими (1, 5, 8, 9, 12-трамвайларнинг «Будённий кўчаси» бекати). Телефон 33-78-23.

ЛЕНИН РАЙПИШЧЕТОРГИ.

«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими давлат комитети

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕБЕЛЬ САНОАТИ БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ

140-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—1979 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ:—**кенг профилдаги ёғочсоз-станокчи** (ўқиш муддати — 1 йил), **дурадгор** (3 йил) **фанерчи** (1 йил) **пардозловчи** (1 йил), **ёғочсозлик ускуналарини созловчи** (3 йил), **прессчи** (1 йил) **бадиий ва моделли мебеллар дурадгорларини** (3 йил) **тайёрлайди.**

Билим юртига 8—10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

3 йиллик ўқишни гамомлаганларга ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат ва ҳунари бўйича аттестат берилади.

Ўқувчилар кунига 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги меҳнат ҳақининг бир қисми билан таъминланадилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ АЪЛО БАҲОЛАР БИЛАН БИТИРГАНЛАР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ИМТИЁЗЛИ РАВИШДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

140-ҳунар-техника билим юрти янги замонавий типда қурилган. Билим юрти қошида бадиий ҳаваскорлик тўгараги доим ишлаб туради. Янги типдаги спорт комплекси бор. Унда ҳар хил тўгараклар ишлайди (бокс, енгил атлетика, шахмат-шашка, футбол ва волейбол).

Областлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: таржимаи ҳоли гугилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, 3x4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат, медицина справкаси.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Ҳужжатлар соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, «Спутник» массиви, 4-квартал (58, 75-автобуслар, 15-троллейбуснинг «Билим юрти» бекати).

ТОШКЕНТ ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС БОШҚАРМАСИ БАЗАСИДАГИ 128-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—79 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ ПРОГРАММАСИ БЎЙИЧА:

ҳаракатдаги трамвай ва троллейбуслар составларининг электр ускуналари ва радиоаппаратураларни тузатиш бўйича слесарь-электрик, тортиш подстанцияси диспетчери, саноат ва электр ускуналари бўйича электромонтёр.

Ўқишга ўрта маълумотли 17 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1 йил.

Контакт ва кабель гармоқларининг эксплуатацияси ва ремонти бўйича электромонтёр, тортиш подстанцияларининг эксплуатацияси ва ремонти бўйича электромонтёр.

Ўрта маълумотли 17 ва ундан катта ёшдаги йигитлар қабул қилинади.

Трамвай вагонларининг ҳайдовчилари, троллейбус ҳайдовчилари.

Ўрта маълумотли 17 ярим ёш ва ундан катта ёшда бўлган йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1 йил.

Енгил ю к ва махсус автомашиналар ремонти бўйича автослесарь.

Техника билим юрти программаси бўйича ўқишга қабул қилинганлар ҳар онда 30 сўмдан стипендия ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ ПРОГРАММАСИ БЎЙИЧА:

трамвай вагонлари ва троллейбусларнинг электр ускуналарини ремонт қилиш бўйича слесарь-электрик, ҳаракатдаги трамвай ва троллейбуслар ремонти бўйича слесарь, кантакт ва кабель гармоғининг эксплуатацияси ва ремонти бўйича электромонтёр, металл бўйича токарь, тортиш подстанциясининг эксплуатацияси ва ремонти бўйича электромонтёр.

8-синф ҳажмида маълумотли йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 2 йил.

Билим юртига қабул қилинганлар кунига 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош, ётоқхона ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 33 процента билан таъминланадилар. Улар трамвай ва троллейбуслардан бепул фойдаланадилар.

Билим юрти қошида кечки мактаб мавжуд.

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига қўшилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар техникум ва институтларга киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, характеристика, таржимаи ҳоли, 3x4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат, билим юрти директори номига ёзилган ариза, медицина кўриги билим юртида ўтказилади.

Машғулотлар — 1 сентябрда бошланади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри — 125, Куйбишев район, Красновосточная кўчаси, 3 «а»-уй (62, 73-автобусларнинг «Красновосточная» депоси». 17, 69, 71-автобуслар, 13, 22-трамвайлар, 18-троллейбуснинг «Високовольтний» массиви» бекатлари). Телефон: 62-34-57.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими Давлат комитети

127-ШАҲАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Тошкентда яшовчи, 10-синфни тамомлаган йигит ва қизларни қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Эркаклар устки кийими бичиқчиси, аёллар устки кийими бичиқчиси, тикувчилик ишлаб чиқаришн контролёри, тикувчилик ишлаб чиқаришнинг ремонтчи-слесари.

Ўқиш муддати— 1 йил. Стипендия 30 сўм.

Ишлаб чиқариш практикаси вақтида ўқувчиларга иш ҳақининг 50 процента тўланади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Билим юртида аёлларнинг енгил қўйлакларини тикиш бўйича бичиш-тикиш, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари, спорт секциялари ишлаб турибди. Уй-рўзғор хўжалиги асослари ўргатилади.

Қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: паспорт, ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат, яшаш жойидан ва ота-онасининг иш жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), директор номига ариза, 4 та фотосурат (3x4 см. ҳажмида), мактабдан характеристика.

Машғулотлар— 1 сентябрда бошланади.

Қуйидаги адресларга мурожаат қилинсин:

Тошкент шаҳар, Энгельс кўчаси, 60-уй— Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси территориясида (2, 9, 18, 19, 21, 26, 51, 60, 72, 81, 47, 63, 89, 24-автобуслар, 2, 16, 3, 22, 23, 25, 28-трамвайларнинг «Олой» бозори бекати).

Тошкент шаҳар, Магазин-мавзук кўчаси, 136-уй— Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик бирлашмаси филиалининг территорияси (10-экспресс, 43, 88-автобуслар, 27-трамвайнинг «Шимолий Олмазор» бекати).

Тошкент шаҳар, Чехов кўчаси, 5 «а»-уй (2, 3, 25, 60, 80-автобусларнинг «Қизил тонг» бирлашмаси бекати).

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

7 ИЮНЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.00 «Горячилар, қаердасиз!». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Кенса денгизчи ҳикоялари». Мульт-фильм. 19.05 «Рус романси». РСФСРда хизмат кўрсатган артист Р. Бобринёва куйлайди. 19.40 «Спортлото» тиражи. 19.50 «Алкоголизм». Врач суҳбати. 20.20 «Истеъдод». Кўп сериляли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. «Ихтироларнинг Бутунжаҳон идораси». 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 МДУ «Гелиос» вокал ансамблининг концерти.

22.30 Ҳужжатли фильм. 22.45 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Бразилия — Испания терма командалари. Аргентинадан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

18.00 «Мушукчалар нега ювинади?». Болалар учун мульт-фильм. 18.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Олимпия умидлари». (рус.). 18.35 «Миллионлар ленинча университети». «Сиёсий маориф системасида ўқув йили якунларига доир». 19.05 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.20 «Дилгинамга қулоқ сол». Лирик концерт. 20.00 «Бола бошидан...» Самарқанд шаҳар ва Самарқанд области мактабгача тарбия муассасаларининг телевизион кўрик-конкурси. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Ёш овозлар». Эстрада программаси. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Чорвадор». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув. 22.15 «Икки дил достони». Бадиий фильм. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

8 ИЮНЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Орзуларнинг пиллапоясида». Касб танлаш ҳақида суҳбат. 10.25 «Истеъдод». Кўп сериляли телевизион бадиий фильм, 2-серия. «Ихтироларнинг Бутунжаҳон идораси». 11.35 Осипов номли Давлат рус халқ чолғу оркестрининг концерти. 13.30 Ҳужжатли фильм. лар программаси. 16.10 «Жонажон табиат». 16.30 «Ихтирочи». 17.00 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». Шарқ халқлари Давлат санъат музейи. «Япония санъати». 17.30 «Биз билан бирга, худди биздек, бизсиз ҳам яхшироқ бажар». ГДРдан олиб кўрсатилади. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Расмларда қуёш акси бор». 19.00 С. Прокофьев. «Ромео ва Жульетта» балетига ёзилган куйлар. 19.25 «Қизилқумни комплекс ўзлаштириш суръатлари». Кўрсатувда Ўзбекистон КП Бухоро область комитетининг биринчи секретари А. К. Каримов иштирок этади. 19.55 «Ҳаммамиз ҳақил оиламиз». Музикали программа. Таллиндан олиб кўрсатилади. 20.20 «Истеъдод». Кўп сериляли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. «Кичик чизмакаш». 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Михайловское қишлоғида XII Бутуниттифоқ Пушкин поэзияси байрами. 23.30 «Япон манзараларн». Телевизион ҳужжатли фильм. 24.00 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

10.55 Кўрсатувлар программаси. 11.00 С. Панчев. «Тўрт эгизак». Республика ёш томошабинлар театрининг спектакли. 12.30 «Шчорс». Бадиий фильм (рус.). 17.35 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Алгов-далгов». Болалар учун мультфильм. 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 18.45 «Фан ва техника — автомобиль транспорти хизматида». (рус.). 19.10 «Ахборот» информацион программаси. (рус.). 19.25 Москва. «Қизилқумни комплекс ўзлаштириш суръатлари». Кўрсатувда Ўзбекистон КП Бухоро область комитетининг биринчи секретари А. К. Каримов иштирок этади. 19.55 Бир актер театри. А. С. Пушкин. «Боғчасарой фонтани». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Хайтарма» татар ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваториясн студентларининг ҳисобот концерти («Баҳор» концерт залидан трансляция вақтида озиб олинган). 23.30 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Зося». Бадиий фильм. 20.05 Тошкент янгиликлари. 20.25 Классик куй саҳифалари. 21.00 «Синфлар ва синфий қурашлар». Жамиятшунослиқдан ўқув кўрсатуви (рус.). 21.30 Абитуриентлар учун. Физика.

85-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

тўқувчилар, йигирувчилар, тўқимачилик ишлаб чиқаришнинг ремонтчилари ва мастер ёрдамчиларини тайёрлайдиган группаларга

8 — 10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 1 йил; ҳунар билан бирга ўрта маълумот берадиган группада эса 3 йил.

Ўқувчилар кунига уч маҳал бепул овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақи билан таъминланадилар.

Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхона берилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирган ўрта маълумотлилар олий ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

Шунингдек, билим юрти тўқимачиликнинг асосий касблари бўйича қисқа муддатли курсларга ҳам қабул эълон қилади.

53-39-01 телефон номери орқали справка олиш мумкин.

Ариза ва ҳужжатлар ҳаркуни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Билим юрти адреси: 700092, Тошкент шаҳри — 92, А. Қаҳҳор кўчаси, 34-уй.

СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги қошидаги

«ГЛАВСРЕДАЗИРСОВ Х О З-СТРОЙ»нинг «ПРОМСТРОЙМАТЕРИАЛИ» ТРЕСТИГА ҚАРАШЛИ ЕГОЧСОЗЛИК КОМБИНАТИГА УЧИНЧИ КВАРТАЛГА ГСП ТАЛОНЛАРИ УЧУН БЕРИЛГАН НУҚОЛГАН

УЧ БУРЧАКЛИ ПЕЧАТИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

13/VI — ОҚҚУШ КЎЛИ.

14/VIда — ФЛОРИЯ ТОСКА.

15/VIда ДИЛОРОМ.

16/VIда АИДА.

17/VIда — ТОҲИР ВА ЗУҲРА.

18/VIда — МАСХАРАБОЗЛАР.

20/VIда — СЕВИЛЬЯ САРТАРОШИ (билетлар сотилган).

21/VIда — ПИКОВАЯ ДАМА.

22/VIда — ЧИО-ЧИО-САН.

23/VIда — КАРМЕН.

24/VIда МАЙСАРАНИНГ ИШИ.

25/VIда ТРАВИАТА.

27/VIда КАРМЕН.

29/VIда — КНЯЗЬ ИГОРЬ.

30/VIда — КОНЦЕРТ (билетлар сотилган).

Олдиндан билет сотиш кассаси соат 11.00 дан 20.00 гача ишлайди: ТЕЛЕФОН: 33-90-81.

ГРАЖДАНЛАР ВА КОММУНАЛ ХЎЖАЛИК МУАССАСАЛАРИНИНГ

ХОДИМЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси электр ўчиб қолганида ёки электр узатиш линияси шикастланганда бутун шаҳар бўйича марказлашган сериялн 39-99-11 телефони орқали кечаю-кундуз

ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Шахсий уйларда яшовчи аҳолидан заявкалар бевосита гражданларнинг ўзларидан, коммунал уйларда яшовчилардан эса, ЖЭКларнинг навбатчи электр монтёрлари орқали қабул қилинади.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 7/VI да **Аида**, 9/VI да **Пиковая дама** (билетлар сотилган).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/VI да **Олтин девор**, 8/VI да **Ганг дарёсининг қизи.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

—Москва давлат муз устида цирк артистларининг гастролларн, ҳоккейчи айиқлар (19.30).

КИНО

7 ИЮНДА

Пароль: «Яшил нилуфар» — Г. ҒУЛОМ номли (17, 20.00). ҲАМЗА номли (18.30, 21.00).

Мўйловли энага—«ЯНГИОВОД» (17, 19, 21.00).

Маринка, Янка ва қирол қасрининг сири — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Шарқий экспрессдаги қотиллик—«МОСКВА» (17.20).

Ҳақиқий тбилисилик ва бошқалар — «МИР» (кечқурун).

Елғончи — «ТИНЧЛИК» (кечқурун).

Эгизаклар — С. РАҲИМОВ номли (кечқурун).

8 ИЮНДА

Севги туфайли — Ғ. ҒУЛОМ номли (14, 17, 20.00).

Ғайдулар шарафи — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Олтин камар — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

ТАБИИЙ ГАЗДАН ИМТИЁЗЛИ СУРАТДА ФОЙДАЛАНАЁТГАН

АБОНЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ТАШГАЗ» БИРЛАШМАСИ

шахсий пенсионерлар, Улуғ Ватан урушининг I ва II группа инвалидларига шуни маълум қиладики, имтиёзли суратда газдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш (яъни, белгиланган ҳақнинг 50 процента) табиий газдан фойдаланганлик учун имтиёзли ҳақ тўлаш тўғрисидаги кафолат ҳужжати, яъни абонент кўрсатилган кундан эътиборан амалга оширилади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Глинка кўчаси, 41«а»-уй.

«ТАШКОМИССИОНТОРГ» ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ТАШКОМИССИОНТОРГ» МАГАЗИНЛАРИДАН СИЗ МАМЛАКАТИМИЗДА ВА ЧЕТ ЭЛЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МОЛЛАРНИ ҲАМДА АНТИКВАР БУЮМЛАРНИ СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Бу магазинлар халқ истеъмолидаги ортиқча саноат моллари-нинг янгисини ҳамда фойдаланилган, лекин ремонт талаб қилмайдиган ва санитария талабларига жавоб берадиганларини, шунингдек, санъат асарларини ҳам

СОТИБ ОЛАДИ.



«ТАШКОМИССИОНТОРГ» МАГАЗИНЛАРИНИНГ АДРЕСИ:

1 — Охунбобоев майдони;
7, 8, 24, 26 — Октябрь бозори;
4, 9, 10— Олой бозори;
5, 21 — Госпиталь бозори
20 — Перьомайск бозори;
11 — Қўйлиқ бозори;
37 — Бешёғоч бозори.
2, 3, 12 — Навоий кўчасидаги ярмарка;
31 — Луначарский шоссеси, 489- уй.

Шаҳар бозорларида жойлашган «Ташкомиссионторг» магазинлари соат 8.00дан 19.00 гача ишлайди.

«ТАШКОМИССИОНТОРГ» ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАГАЗИНЛАРГА ЭГА, МЕБЕЛЛАРНИ КОМИССИЯГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИГАН ВА СОТАДИГАН МАГАЗИНЛАР АДРЕСИ:

«ТАШКОМИССИОНТОРГ» МАГАЗИНЛАРИНИНГ АДРЕСИ:

6 — Чилонзор массиви, 5-квартал, 1-уй;
8 — Октябрь бозори;
33 — Олой бозори;
36 — Фарҳод кўчасидаги ярмарка.

МАМЛАКАТИМИЗДА ВА ЧЕТ ЭЛЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ТРАНЗИСТОРЛИ ПРИЕМНИКЛАР ВА МАГНИТОФОНЛАРНИ КОМИССИЯГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИГАН ВА СОТАДИГАН МАГАЗИНЛАР АДРЕСИ:

5 —Госпиталь бозори;
6 — Чилонзор массиви, 5-квартал, 1-уй;
8 — Октябрь бозори;
14 — Олой бозори;
36 — Фарҳод кўчасидаги ярмарка.

6-магазин ҳамма маркадаги мотоциклар ва эҳтиёт қисмларини қабул қилади ва сотади.

«ТАШКОМИССИОНТОРГ» МАГАЗИНЛАРИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

ЕР ҚАЗИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ БОШҚАРУВЧИЛАРИ, ИШ БАЖАРУВЧИЛАР, КОЛХОЗЛАР, СОВХОЗЛАР, ЛОЙИҲА ВА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН ССР АЛОҚА МИНИСТРЛИГИНИНГ

РАДИОЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ РЕСПУБЛИКА ТАРМОҒИ

Ўзбекистон территориясида ҳамда Тошкент шаҳрида давлат аҳамиятига эга бўлган ер ости шаҳарлараро алоқа кабеллари ишлаб турганлигини

БИЛДИРАДИ

Алоқа линияларини муҳофаза этиш қоидаларига мувофиқ кабель алоқа линиялари трассаларида 4 метр кенгликда (кабелнинг ҳар икки ёнбоши бўйлаб 2 метр оралиқда) муҳофаза зонаси қолдирилади. Қўриқланаётган зона доирасида кабель алоқа линиялари тегишли корхоналар (ташкилотлар)нинг ёзма рухсатномаси ёки кабель хизматининг вакили бўлмаган тақдирда тупроқни планировкалаш, траншея ва шурфлар қазиш, граждан иншоотларини қуриш тақиқланади.

Бу қоидани бузиб, шаҳарлараро алоқа кабелини шикастлаганлар жиноий жавобгарликка тортиладилар ва давлатга етказилган зарар ундириб олинади.

Қазиш ишларини олиб бориш учун халқ депутатлари шаҳар ва район Совети ижроия комитетларидаги архитекторлардан ёзма рухсатнома олиш зарур.

Жойларда магистрал кабель трассалари темир-бетон столбачалар ва махсус огоҳлантирувчи кўрсаткичлар билан белгиланади. Уларда магистралдан фойдаланаётган кабель участкасининг адреси ва телефон номери кўрсатилган.

Кабель муҳофазаси зонасида ёки унинг атрофида ер қазиш ишларига онд саволлар билан Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг радиоэшиттириш ва телевидение республика тармоғининг кабель участкасига мурожаат қилинг: 700097. Тошкент шаҳри — 97, «Чилонзор» массиви, 6-квартал, 15 «а»-уй. Телефон: 78-37-98.

Тегишли корхоналар билан келишмаган ҳолда тупроқ ишларини бажариш тақиқланади.

Унутманг! Магистрал алоқа кабелининг шикастланиши давлатга катта зарар келтиради ва ишлаётганлар ҳаётини хавф остида қолдиради.

ЎЗБЕКИСТОН ССР АЛОҚА МИНИСТРЛИГИНИНГ РАДИОЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ РЕСПУБЛИКА ТАРМОҒИ.

«Саодат», «Гулхан» ва «Ғунча» журнали редакцияларининг партия ва касаба союз ташкилотлари ҳамда коллективлари «Ғунча» журналининг бош редактори Я. У. Саъдуллаевага отаси

Убайдулла САЪДУЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

7 ИЮНЬ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42.

Р. 07633. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1329.